

Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари

Ушбу рисоланинг аввалида китоб муаллифи Анқабой Худойбаҳтовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилиб, сўнгра китобнинг асосий қисмига ўтилган. Ушбу рисолада мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш каби илмий жараёнларни қандай амалга ошириш йўллари кўрсатилган. Бундай маълумотлар бошқа баъзи манбаларда учрамайди. Ушбу рисоладаги маълумотлар, талабалар ва умуман олганда илм йўлига кириб келаётган ёш кадрлар учун керакли бир илмий манба бўлишига шубҳамиз йўқ. Агар ушбу рисоладаги маълумотлардан амалиётда қўлланилса, биз ўйлаймизки, ўсиб, улғайиб келаётган нафақат адабиётшунос, балки бошқа соҳадаги ёш кадрлар учун ҳам мақола ёзишлари ёки илмий иш қилишлари учун бир дастуруламал бўлиб хизмат қилади ва бу билан ҳозирги кунимизда кўплаб илмий мақолалар ёзишда кўзга ташланаётган кўчирмачилик ва шу каби нуқсонларни бартараф этишда, кадрларни илмий салоҳиятини юксалтиришда бироз бўлса-да фойдаси тегади, деган умиддамиз.



Ахтам Фатуллоевич Ахмедов у 1995 йилда Жондор туманидаги “Яҳё Жўраев” номли ўрта умумтаълим мактабини битириб, шу йили Бухоро шаҳар “Мир Араб” мадрасасига ўқишга кирди. 1999йили мазкур ислом билим юртини тугатиб, сўнг 2004 йили Тошкент давлат Шарқшунослик Институтига ўқишга кирди.



Globe
EDIT

Globe
EDIT



Ахтам Ахмедов

Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари

(Рисола)

Аҳтам Аҳмедов

Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

Аҳтам Аҳмедов

**Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш
йўллари**

(Рисола)

FOR AUTHOR USE ONLY

GlobeEdit

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group

17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Mauritius

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-0-61953-2

Copyright © Аҳтам Аҳмедов

Copyright © 2021 International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group

FOR AUTHOR USE ONLY

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ВИЛОЯТ АХБОРОТ
КУТУБХОНА МАРКАЗИ**

**ХАБАР, МАҚОЛА, ШЕЪР ВА
ҲИКОЯ ЁЗИШ ЙЎЛЛАРИ
(Рисола)**

**Араб ёзувидан ўзбек ёзувига ўгириб, нашрга тайёрловчи
Аҳтам Ахмедов**

Бухоро- 2021

**Муаллиф: Анқабой.
Хабар, мақола, шеър
ва
хикоя ёзиш йўллари
(Ботунинг сўз бошиси билан)**

Ишчи - деҳқон, хабарчи ва ёзувчилариға бағишлайман.

Ушбу рисоланинг аввалида китоб муаллифи Анқабой Худойбахтовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилиб, сўнгра китобнинг асосий қисмига ўтилган. Ушбу рисолада мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш каби илмий жараёнларни қандай амалга ошириш йўллари кўрсатилган. Бундай маълумотлар бошқа баъзи манбаларда учрамайди. Ушбу рисоладаги маълумотлар, талабалар ва умуман олганда илм йўлига кириб келаётган ёш кадрлар учун керакли бир илмий манба бўлишига шубҳамиз йўқ.

Агар ушбу рисоладаги маълумотлардан амалиётда қўлланилса, биз ўйлаймизки, ўсиб, улғайиб келаётган нафақат адабиётшунос, балки бошқа соҳадаги ёш кадрлар учун ҳам мақола ёзишлари ёки илмий иш қилишлари учун бир дастуруламал бўлиб хизмат қилади ва бу билан ҳозирги кунимизда кўплаб илмий мақолалар ёзишда кўзга ташланаётган кўчирмачилик ва шу каби нуқсонларни бартараф этишда, кадрларни илмий салоҳиятини юксалтиришда бироз бўлса-да фойдаси тегади, деган умиддамиз.

**Масъул муҳаррир: Қаҳрамон Тўхсанов - филология фанлари
номзоди, доцент**

Тақризчилар:

**Зилола Амонова - Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари**

**Маърифат Ражабова - Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди.**

Ушбу рисола чоп этишда ҳомийлик қилган Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахборот кутубхона маркази раҳбари Садриддин Шароповга муаллиф ўзининг самимий миннатдорлигини бидириб, шу муассасанинг илмий ва техник ходимларига ҳам кўрсатган ёрдамлари учун алоҳида миннатдорлигини билдириб қолади.

Шунингдек, китобни ёзишда ўзларининг беминнат, самимий кўмакларини, илмий маслаҳатларини аямаган Қаҳрамон Тўхсанов, Ҳусниддин Эшонкулов, Зилола Амонова, Маърифат Ражабова каби муҳтарам устозларнинг барчаларига муаллиф ўзининг чуқур миннатдорлигини билдиради.

***Бухоро давлат университети илмий-техник кенгашнинг 2020 йил 27
августдаги 1-сонли кенгаш қарори билан нашрга тавсия этилган.***

АНҚАБОЙ ХУДОЙБАХТОВ КИМ БЎЛГАН?

Тарихий ҳақиқатнинг тикланиши мураккаб даврларда юз берган воқеа-ҳодисаларни тўғри англашга, уни тўғри ўрганиш ва адолатли хулоса чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ватанимиз тарихининг ҳали ўрганилмаган, тадқиқ қилинмаган саҳифалари кўп. Айниқса, энг зиддиятли давр бўлган ўтган асрнинг 30-50- йилларида қатағонга учраганлар орасида номи атайлиб унутилган ёки халқимизга унчалик маълум бўлмаганлар ҳам бор.

СССР Олий суди харбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрдаги сайёр йиғилишларида ўзбекистонлик 507 нафар сиёсий маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Ўлимга ҳукм қилинганлар орасида Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Пўлат Солиев, Ғози Олим Юнусов, Абдулхай Тожиев, Акбар Исломов, Анқабой Худойбахтов, Санжар Сиддик, Курбон Берегин, Аъзам Айноб, Отажон Ҳошимов каби таниқли зиёлилар кўпчиликни ташкил этади.

Улар ўлимидан анча йил ўтиб окланди. Мустақиллик йилларида уларнинг пок номларини тиклаш ишлари янада чуқурлашди. Бу йўналишдаги изланишлар бугунги кунда ҳам давом этаётир.

Аммо улардан айримларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамон кенг жамоатчиликка яхши маълум эмас. Анқабой Худойбахтов ана шулардан бири.

Хўш, Анқабой Худойбахтов ким бўлган?

1971 йилда нашр қилинган “Ўзбек совет энциклопедияси”да келтирилишича, Анқабой Худойбахтов 1903 йили Жиззах вилоятининг Бахмал тумани Юмалоқбош қишлоғида туғилган, ўлган йили номаълум. Ўзбек адабиётшуноси, драматурги ва журналисти. У зиёли оиласида дунёга келган, интернат-мактабда тарбияланган, 1926-1928 йилларда Москва журналистлар курсида таҳсил олган. “Зарафшон”, “Ишчи” газеталарида

мухаррир, “Кизил Ўзбекистон ” газетасида бўлим мудири бўлиб ишлаган. Кўп йиллар Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлимини бошқарган. Ўзбекистон Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, СССР ёзувчилар уюшмаси пленуми аъзоси бўлган. 1934 йил Ёзувчилар уюшмаси қошида “Ёш ишчи ёзувчилар” кабинетини ташкил этган. Республика радиоэшиттириш давлат қўмитаси раиси лавозимида ҳам фаолият юритган. “Қандай қилиб шеър ва ҳикоя ёзиш керак” (1927), “Ғайратий ижоди” (1934), “Душманга берилган минбар” (1934), “Ёзувчи С.Айний ижоди ҳақида” (1936) каби адабиётшуносликка оид мақолалар, “Шодмон”, “Армон”, “Сўнгги юлдузлар” драмалари муаллифи.

Ёзувчи Набижон Боқийнинг Абдулла Қодирий ҳаётига бағишланган “Қатлнома” ҳужжатли қиссасида собиқ НКВД архивидан олинган Анқабой Худойбаҳтов билан боғлиқ маълумотларда “1938 йили А.Қодирийнинг “бир гуруҳ ўртоқлар” томонидан давлат хавфсизлиги бошқармасига жўнатилган хулосада: “...ҳалқ душмани Анқабой таҳрири остида нашр этилган бошқа бир китобини – “Обид кетмон”ни олиб кўрамиз”, дейилган жумла келтирилади. Қиссада архивда сақланаётган 976522-сонли жиноий ишдан олинган маълумотномада қуйидаги қайд ҳам бор:

“Анқабой Худойвоҳидов. 1905 йили Ўзбекистоннинг Ғаллаорол депарасида туғилган. Ўзбек. СССР фуқароси. Оилали. Олий маълумотли. 1925 йилдан бери ВКП(б) аъзоси. Ёзувчи-драматург. ЎзССР Шўро ёзувчилари уюшмаси президиумининг аъзоси. Радио эшиттириш қўмитасининг раиси”.

Манбаси келтирилган ҳужжатларда ёзилишича, 1937 йил 9 август куни Анқабой Худойвоҳидов ички ишлар халқ комиссарлиги маҳкамаси томонидан ҳибсга олинган. У 1937 йил 10 август куни тергов қилинган пайтда Шўро ёзувчилари уюшмасидаги ва адабий жамоатчилик ўртасидаги аксилинқилобий ташкилотга қуйидаги шахслар: Мўмин Усмонов, Раҳмат Мажидий, Қурбон Берегин, Отажон Ҳошимов, Зиё Саидов, Умаржон

Исмоилов, Аъзам Аюпов, Машриқ Юнусов – Элбек, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Ойдин Собирова, Санжар Сиддиқов аъзо эканини қайд этади.

Негадир Анқабойнинг фамилияси тергов ҳужжатларида “Худойбаҳтов”, “Худойбаҳитов”, “Худойвоҳидов” тарзида қайд этилади. Унинг туғилган йили ҳам 1903 эмас, “1905”, икки йил ёшартириб ёзилган.

Олий суд Ҳарбий ҳайъатининг мажлисида Худойвоҳидов ўз айбига иқрор бўлмайди: ҳеч қандай аксилшўровий ташкилотга аъзо бўлмагани, зараркунандачилик ишлари билан шуғулланмагани тўғрисида кўрсатма беради. Дастлабки тергов жараёнида берган барча кўрсатмаларини инкор этади. Шунга қарамасдан, СССР Олий суди Ҳарбий ҳайъати 1938 йил 5 октябрь куни Худойвоҳидовни буржуй миллатчиларининг аксилшўровий, қўзғолончилик, одамқушлик, зараркунандачилик, бузғунчилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида қатор моддалар бўйича айбдор, деб топади ва олий жазо – отувга ҳукм қилади.

Ҳукм Тошкент шаҳрида 1938 йил 4 октябрь куни ижро этилади. Кўриниб турибдики, жазо суд ҳукми чиқишидан бир кун олдин ижро этилган эди.

Умуман, тарихимизнинг энг зиддиятли даврида яшаган Анқабой Худойбаҳтов ҳақида маълумотлар жуда кам. Борларида ҳам ўша давр каби зиддиятли, бири иккинчисини инкор этадиган ҳолатлар учрайди. Бу ноаниқликни унинг туғилган йили, фамилиясидаги турли хилликда ҳам кўриш мумкин. Бунинг устига, Мустақиллик йилларида ҳам бу тарихий шахснинг ҳаёти ва ижоди ўрганилган эмас.

Тўғри, ўтган асрнинг 80-йилларида қатағон даври ҳақида изланиш олиб борган журналист Ислоҳ Усмонов ноҳақ қурбон бўлган бир қатор ўзбек ўзбек зиёлилари, жумладан, Анқабой Худойбаҳтов ҳақида мақолалар эълон қилди. Бу инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларга анча аниқлик киритди. Шундан сўнг Анқабой Худойбаҳтов туғилиб ўсган қишлоқдаги мактабга унинг номи берилиб, уй музейи ташкил қилинди, хотира тадбирлари ўтказилди.

Аммо Аммо Анқабой Худойбаховнинг асарлари катагон даврида ўзи билан бирга йўқ қилингани боис унинг ижоди ҳақида кўпчилик айтарли маълумотга эга эмас. Асарлари ўша даврда йўқ қилинганининг ўзи ҳам улар бадий, маънавий аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Чунки унинг ёзганлари миллатни уйғотишга, миллий маънавиятни юксалтиришга хизмат қилмайдиган асарлар бўлганида уни йўқ қилишга ҳолат қолмасди.

Аслида ҳам унинг қатл этилишига сабаб ёзганлари, ижодий ташкилотда ишлагани эмасми-ди?!

Шу нуқтаи назардан, учта драматик асар, ўнлаб адабий-танқидий мақолалар ёзган, Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романларига муҳаррирлик қилган, марказий нашрларда муҳаррир, ижодий ташкилотларда раҳбар сифатида ишлаган инсоннинг ижодий фаолияти ўрганишга арзирли. Бу тарихимизни, адабиётимизни, маданий меросимизни борича тиклаш, ёшларимизни тарихий ҳақиқатдан воқиф қилиш учун ҳам зарурдир¹.

Тошқул Бекназаров, ЎЗА

¹ Тошқул Бекназаровнинг шу номли мақоласидан фойдаланилди.

БОШ СЎЗ

Ёзувчилик ҳунари ҳам шу йўлга киришганлардан кўп тажриба, кўп билиш, кўп ҳаракат талаб қилади. Уста ёзувчи² бўлиш учун шу йўлда анча уриниш, анча нарса ўрганиш керак.

Ёзувчилик дунёсиға қадам қўя бошлағонларға йўл-йўриқ кўрсатадирган етакчининг ёзиш қоидаларини ўргатадирган адабиётнинг бизда бутунлай йўқлиғи ёш ёзувчиларимизнинг ўсишиға зўр монёъ. Мана бу тўскинни йўлдан олиб ташлашқа қудратли азаматлар шу вақтқача майдонға чиққанлари йўқ. Шунинг учун матбуотимиз бетлари (саҳифалари) да бир тўда камчиликлар кўрилиб турадир. Катта ёзувчиларимизнинг кўплари ҳам мақола, ҳикоя ва бошқа нарсалар ёзишда талаб қилинадирғон муҳим қоидаларни ҳар вақт эсларида тутмайдилар. Жумлалари узун, хунук, фикрларининг боғланишлари кўпол, дағал катта суюқ мақолалар газета ва журналларимизнинг бетларида тез-тез учраб турадирлар. Бундай камчиликлардан қутулиш ҳам ёш ёзувчи ва мухбирларимизни бу касалдан сақлаш керак.

Ўртоқ Анқабой томонидан ёзилғон бу китобча бу йўлда анча фойда бера олади. Бу китобчада бир тўда камчиликларнинг бўлиши табиий. Кўзга кўринган камчиликларнинг матбуотда текширилиши зарур. Агар бу китобча матбуот, адабиёт ишчиларини матбуот қоидалари тўғрисида кўпроқ ўйлашқа мажбур этса, ишчи ва деҳқон мухбирларига ёзувчиликнинг басмаласини³ ўргата олса ўз вазифасини адо қилғон бўлади.

Боту.

Москов 19 декабр 1926.

² Уста ёзувчи-моҳир ёзувчи

³ ёзувчиликнинг басмаласини –ёзувчиликнинг энди бошланган қисмини

ЁЗУВЧИДАН

Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан мухбир ва ёш ёзувчилар учун қўлланма бўларлиқ бир китобча ёзишни манга топширилган эди. Бу тўғрида ўзимнинг кўрган тажрибам ва тўплаган материалларимга суяниб “хабар”, “мақола” шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари” исми билан қўлингиздаги китобчани ёзишқа муваффақ бўлдим.

Берилган бир ярим ойлиқ муҳлат ниҳоят оз бўлғонлиғи сабаблик кўпгина шошилишқа тўғри келди. Шунинг учун китобда анчагина етишмасликлар⁴ ҳам бўлур. Буни, албатта, ишнинг бориши кўрсатар ва шунинг билан кўринган етишмасликлари қаторида юқорида атағонимиз мухбир ва ёш ёзувчиларга бир қадар фойда ҳам берар деб ишонамиз.

Китобни ёза бошлагон вақтимда Боту, Саид Аҳмад ва Наим ўртокларнинг ҳар турли маслаҳатлар бериб ёрдам кўрсатганлари учун уларга чин кўнгилдан раҳмат изҳор этаман.

Китобни ёзишда Шингилининг “Мақола, шеър ва ҳикояни қандай ёзиш керак?”, Эзгуевнинг “Мухбирлар мактаби” ва Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” деган китоблардан фойдаландим.

Анқабой

Москов 15 декабрь 1926 йил

⁴ Етишмасликлар- нуқсонлар, камчиликлар

АДАБИЁТ

Ҳар бир кишида ўзининг фикр, сезги ва истаги бор. Киши ўзини ўраб олган жамиятда яшаб, оила, биродар ва ўртоқлари билан ишлаб чиқариш йўлида ҳамроҳ бўладир.

Ҳар бир киши эҳтиёж ва кераклиги орқасида ўзининг фикр, сезги ва истаги бўйича бошқалардан айриладир⁵. Ҳақиқатда, бусиз жамиятда кун кўриш мумкин бўлмас эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бусиз ҳар турли фойдалиқ фикр, кашфиётларни тарқатиш, биргалашиб ишлаш бирликда яхши турмуш учун курашиш деган муҳим ишларнинг қилиниши ўрнига, кишининг ҳайвон билан баробар бўлиши ҳам эҳтимол эди. Кишилар- кўпчиликнинг энг катта муҳим қуролларидан бири унинг сўзлаша олишидир.

Кундалиқ турмушимизда ўзимизнинг оғзаки сўзимиздан фойдаланамиз. Айтишга мумкин, хатни жуда кам ёзамиз. Ҳам бу тўғрида бўлгон хотира ва фикрларимизни ниҳоят даражада қоғоз устига оз ёзиб қолдирамиз. Агар биз жамиятга кириб жамиятнинг мақсади билан юрар эканмиз, у вақтда албатта ёзув билан фойдаланишқа мажбурмиз. Чунки бундан бошқача чора ҳам йўқ.

Масалан, бир йиғилишда бир неча минг киши оғзаки сўзни (нутқни) эшитсалар, улар энди халқнинг ҳаммаси бўлмасдан балки шу халқнинг бир белгили қисмидир⁶. Бунда оғзаки сўз билан ёзилгон сўзни бир деб айтиш бўлмайди. Чунки ўшандай йиғилишда оғзаки нутқ айтилса, уни эшиттувчилар биргина калимани англамай қолиши билан сўраб ва ёхуд сўзлагувчини сўзидан тўхтатиб турмайдирлар. Агар шу сўзлар ёзилгон бўлса, бир нарсa тушунилмайдиргон бўлар экан, ундай китоб ёхуд ёзувни ўқимокда бўлгон киши шу замон тушунилмайдиргон нарсa тўғрисида ўйлаб ва муҳокама қилиб ўтар. Бунда шундай бир мисолни кўрсатиш керак.

⁵ Айриладир- ажралиб туради.

⁶ Бир белгили қисми-маълум бир қисми

Масалан, Карл Маркс бундан бир юз етти йил илгари туғулиб, қирқ уч йил илгари ўлди. Ҳозирда бизлар унинг фикрлари билан фойдаланамиз. Бу шунинг учундир, ким Карл Маркс ўзининг бутун фикрини хат билан ёзиб қолдирғон эди. Агар Маркс ўзининг таълимотини оғзаки қолдириб кетган бўлса эди, у вақтда шогирдлари ҳам унинг таълимотини оғзакигина келгусида ўргатар эдилар. Ана шунинг натижасида Маркснинг фикри йил ўтган сари англаб бўлмаслиқ даражасига келиб қолиши ҳам эҳтимолдан узок эмас эди.

Сўз кўпчилик оммасига маълум бир синфнинг мафкурасини тарқатиш учун ёзиладирғон бўлса, у адабий иш бўлиб, шундай ёзувлар тўпламига “адабиёт” деб айтиладир. Ана шу адабиёт иши билан машғул бўлувчиларни **адабиётчи** (адиб) ёхуд ёзувчи деб юритиладир.

АДАБИЁТ НЕЧА ХИЛ БЎЛАДИ?

Бир ёзувчилар турмушқа тез татбиқ этиладирган китобларни – масалан, ўқиш китоби, маълумотнома ва кўргазма адабиётларини ёзадирлар. Мана буларнинг ёзган адабиётларига “тажриба адабиёти” деб айтиладир. Яна бир хил китоблар олим кишилар томонидан ёзилиб, улар қандай бўлса ҳам, табиат ва умумий турмушни текширса уни “илмий адабиёт” деб юрутиладир. Адабиёт ўқувчиларни белгили (маълум бир) синф мафкураси билан тарбиялаб, уларнинг шу мафкура атрофига тўпланишларини ҳал қилиб, ҳам айтганимиз синфнинг йўл-йўригини кўпчиликка тушунтира борса, уни “ташвикий адабиёт” дейиладир. Ҳар турли воқеалар ва ҳолларнигина ёзиб, фақат ундай воқеаларнинг аҳамиятларини билдирса, уни “вақтли адабиёт” деб айтамыз. Чунки бундай воқеалар кўпчилик билан журнал ва газеталардагина ёзиладир.

Шу юқорида айтганимиз адабиёт ҳақиқат билан жуда яхши боғланишлиқдир. Бироқ шундай бир адабиёт борки, у ҳам бўлса, “нафис адабиёти” дир. Бу ҳам яна турмуш билан зич боғланишлидир. Бироқ бу

адабиёт ёзгувчи кишининг кайфиятига ҳам оз бўлса-да кетадир (яъни боғлиқ бўлади). Масалан, ҳавонинг тузулиши тўғрисида ёхуд Хитойнинг ҳукумат тузулиши тўғрисида ёзадиргон олим ҳеч бир вақтда ҳақиқатдан узоққа кета олмайдир.

Лекин санъат адабиётчиси бўлса, бундай ҳолдан четга чиқа оладир. Масалан у – бўлмагон кишилар, ҳар турли хайрон қоларлиқ воқеаларни ўзича тўқиб ёза оладир. Ҳаммамизга маълум – ой бизнинг тирикчилик қилиб турғонимиз ернинг атрофини айланадирган юлдуз (планета), уни олимлар текшириб, расмларини олиб ҳам ўлчаб юрадилар ва ўзларининг бу тўғрида билганларини ёзадилар; шунингдек Фарангистоннинг⁷ ёзувчиларидан Жул Верин “ойда саёҳат” деб китоб ёзгон. Унинг китобини ҳамма қизиқиб ўқуйдир⁸. Агар нимага бундай деб савол берилса, қуйида тагин бир мисолни келтириб сўнгра жавоб бериб ўтамиз. Масалан, Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” исмли рўмонид⁹ ўзбекларнинг ўтказган кунларини санъат билан тасвир этар экан, уни ўқувчилар ниҳоят даражада севиб ўқийдилар. Чунки у ўткан тарихларни санъат билан, ўқувчи зерикмайдирган даражада кўп усталиқ йўли ва маҳорат билан ёзадир.

Яна бир мисол: бир суратчи бир қанча кишининг расмини якка-якка олиб, сўнгра уларни бир қардон (қалин қоғоз) устига тўплаб бир тўда кишининг умумий расми қилиб чиқарадир. Бу тўп расмда ҳар кишининг алоҳида туслари¹⁰ билиниши билан ҳаммадан кўп тўданинги умумий кўриниши очик маълум бўлиб турадир. Худди шунингдек, нафис адабиёти ҳам турмушнинг умумий расмини кўрсатадир. Бунинг учун бизларга турмушда ҳар турли тўсатдан учратилган ҳолларни билиш эмас, балки умумий ҳолларни билиш керакдир.

Энди Жул Вериндек кишиларнинг ёзгон нарсаси ўқумок билан машғул бўлгон кишиларни қаноатлантирадир. Чунки уларнинг ёзгон нарсаларини

⁷ Фарангистон- Франция

⁸ Ўқуйдир-ўқийди

⁹ Рўмон-роман

¹⁰ Туслари-ранглари

ўқиш, уларнинг ҳикоя қилғон ерлариға бориш, унинг айтганидек, қизиқ ҳолларни бошдан ўтказишнинг ўзи қизиқ бир нарсадир. Шунинг билан биз ёзувчининг қандай ҳолларни ўзининг бошидан ўтказмакда бўлгонлигини ҳам билиб оламиз:

Шуни ҳам айтиш керакки, нафис адабиёти ёхуд санъат билан ёзилгон асар ўқувчиларға санъат кучи ва усталиқ билан ҳаяжон келтирадир. Масалан, Чўлпоннинг қуйидаги шеърини оламиз:

Кўкламойнинг ипак кўйлак этаклари судралиб,

Қаро ернинг бошларини силаб-сийпаб келадир.

У сийлашдан у сийпашдан қувват олиб, куч олиб,

Қаро ер ҳам кўксидаги, олтунларни берадир...

Мана, Чўлпоннинг шу кўчирганимиз шеърини тўрт хатида¹¹ қанчалик санъат ва усталиқ ишлатгандир; кўкламни бир нозик киз шаклида олиб, унинг қандай ер устида юришини махтаб¹² келадир. Манабундай шеърлар ўзининг биргина мундарижаси билан эмас, балки ўзида бўлгон санъат (художество) билангина ўқувчиға роҳат берадир.

ЁЗУВЧИЛАР НЕЧА ХИЛ БЎЛАДИ?

Агар биз “Ленин” ни олсак, унинг ёзгон нарсалари илмий, ташвиқий ва тарғибий ҳам газетага оид мавзулардан иборатдир. Лениннинг бутун ёзгон нарсаларини кўриб чиқсангиз, унда ҳикоя, назм ва шеърлар топа олмайсиз. Агар биз русларнинг машҳур шоири Пушкинни олсак, унинг ёзгон нарсаларида ҳаммадан кўп шеър, озроқ ҳикоя топа оламиз. Бунинг учун Пушкинни бунда “Шоир” деймиз. Ленин бўлса сиёсий раҳбар бўлиши билан матбуот мутахассислигига қараб бўлгонда “публицист” (сиёсий ва ижтимоий мақолалар ёзувчи) бўладир.

¹¹ Тўрт хат-тўрт қатор

¹² Махтаб-мақтаб, мадҳ этиб

Энди худди шунингдек ўзимизникилардан ўртоқ Икромов, Усмонхон Эшонхўжаев ва Файзулла Хўжаевлар газета ва журналларга сиёсий ва ижтимоий мақолалар ёзишлари учун публитсист ҳисобланадилар. Жулқунбой (Абдулло Қодирий) ва Элбекларимиз насрчи (руман ва ҳикоялар ёзувчи) бўладилар. Шоирларимиз бўлса-Фитрат, Чўлпон, Боту, Шокир Сулаймон ва Олтой бўладилар чунки буларнинг кўп машғул бўлгон масалалари шеър устидадир.

Газетачиларимиз-Ғози Юнус, Ашур Али, Ҳожи Муъин, Аъзам Айюб, Муҳаммадҷон Юсуфий, Санжар ва бошқалардир. Манабу отларини айтган кишиларимиз дейишга мумкин биргина матбуот иши билан машғул бўлиб шунинг орқасидан кун кўрадилар. Ўзлари матбуот ва газетачилик ишида анчагина таҷрибага эга бўлиб доимий шу йўлда ишлайдирган кишилардир. Бироқ булар сиёсий журналистлар бўлмасдан, балки газета ишининг техникасинигина билишлари учундир.

Шу ёзмада бўлғонимиз китобча янғигина газетачи, шоир ва насрчи бўлиш учун урунмоқда бўлгон ишчи-деҳқон хабарчиларга бирқадар ёзувчилик қондасининг асосларини ўргатишда хизмат кўрсатар, деб умид қилиб ишга бошладик¹³.

ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Киши туғулиб ўсгандан кейин бири ўткир кўзли, иккинчиси зўр кучли, учинчиси тез ҳисоблашқа, тўртинчиси расм олишқа ва бешинчиси бўлса, ёзувчиликқа иқтидорли бўладир. Ҳақиқатан, ҳар бир ишга иқтидор ва ишонч бўлиш керак. Чунки бунисиз ҳеч бир ишни қилиш мумкин эмасдир. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки ҳар бир иқтидорни ўсдириб, кучайтириш ва чуқурлаш мумкиндир. Биз биламиз, кўп вақт гавдаси катта ва ўзи кўринишда ҳайбатли бўлгон киши- кичкина бўлгон биров билан кураш оладир-да натижада шу кичкина кишидан йиқиладир.

¹³ Ишга бошладик-ишга киришдик.

Бу нимага бундай бўлди, деганингизда кичкина киши, кўриниши хайбатли бўлгон кишига қараганда курашнинг кўзини билар экан. Худди шунингдек, олий маълумоти бор кишиларнинг ёзгон мақолаларидан кўп вақт маълумоти оз журналистнинг ёзгон нарсаси яхши чикиб ҳам қоладир. Бу нима учун бундай десангиз, олим киши кўп нарса билса ҳам, бироқ шуни яхшилаб ёзиб билдиришнинг йўлини яхши билмайдир. Маълумоти оз бўлгон журналист ёзишнинг йўлини ва техникасини яхши билганлиги учун нима ёзишини жуда яхшилаб тушунтира биладир. Мана бу нарса табиий мутахассисликни кенгайтирадир ва маҳкам қиладир¹⁴. Ҳам ёзувчилик йўлида нотўғри қадам босиб бормоқда бўлгон ёшларни тўғри қадам босишга ўргатадир-да, илгаридан маълум бўлгон нарсага ҳадсиз куч сарф қилишдан сақлайдир.

Агар биз темирчиликни ўрганмакчи бўлсак, мутлоқо кўп тажрибаси бор темирчи уста ёнига борамиз; унда биринчи вақтларда биз усталиқ хунари учун керак бўладиргон асбобларнинг отларини ва нима учун кераклигини билиб оламиз. Ҳар замон устанинг ишлашига зеҳнимизни қўйиб аста-аста ўргана бошлаймиз. Биринчи навбатда енгил ишларни қилсак, тажрибамиз орта боргон сари қийин-қийин ишларни қилиб кетаберамиз¹⁵.

Юқорида айтганимиздек, ҳар бир ёзув ишига уруна бошлагон ёш – ўзининг уста ёзувчи бўлишлигини истаса, энг биринчи тажрибалик уста ёзувчиларнинг асарларини қўлига олсин. Чунки бу ўзининг келгуси учун лозим бўладир. Ҳар бир хабарчи ана шу айтилган нарсаларни қилса, у келгусида уста бир ёзувчи бўлиб, ишчи-деҳқон ўртасига ишлаш учун отиладир.

ЁЗУВЧИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар бир ёзувчи бошқа нарсаларда бўлгон хусусиятларни билиш ва уларнинг энг кераклик ерларини олиш учун ўзида хусусият сезсин.

¹⁴ Маҳкам қиладир-мустаҳкам қилади

¹⁵ Кетаберамиз-- кетаверамиз

Юқоридаги фикрнинг англашилмоғи учун бир мисол олиб ўтайлик. Масалан, эски бир ажойиб хонага (музейга) ўткан хонларнинг бирининг олтидан ясалган тожи қўйилган. Тожни кўриш учун борган заргар ҳаммадан бурун ўзининг хонарига қараб тожнинг соф олтидан бўлгонлиғи ва берилган зийнатларига эътибор қилади. Агар бир оддий фукаро бориб қолса, тожни кўриши билан “бундай оғир нарсани қандай қилиб бошида кўтариб юрган экан?” дейди. Айтайлик, тожни савдогар кўрди, бу ҳам энди ўзича “қанча олтин кетган ва қанча сўм турар экан?” деб ҳисоб қила бошлайди. Яна тожни бойвачча хотин кўрса, бу ҳам бошқани кўз олдиға келтирмасдан, балки, “манам ҳам¹⁶ шундай олтидан қилинган билан узук, зирак болдоғим бўлса экан” дейди.

Эски замондан қолган нарсаларни излаб, топилган нарсалар воситаси билан у замоннинг қандай турмуш кечирганликларини билиш учун юрган олим, тожни кўрган замон кўз олдиға шу замонни келтиради. Энди бир жамоат ходими кўрса, у ҳам шу тожни яшаш учун халқдан қанча ақча кетганлигини ўйлайди. Рассом кўрса, мутлоқо тожнинг чизиклари қандай тортилган, тўғрими, тўғри эмасми эканлигини ўйлайди. Энди буни кўрган ёзувчи ўзидан илгари кўриб кетган ҳамма кишиларнинг ўйлаган нарсаларини бирдан ўйлайди. Ҳам бирданига уни кўриш билан қандай қилинганлигини, нимадан бўлганлигини, кимларнинг оқчаси кетганлигини, рассомнинг қандай чизиклар тортиб, заргарнинг қандай нақшлар қўндирганлигини... ва ҳоказо ҳаммасини тожни кўра туриб кўз олдиға келтиради. Бунинг устига яна ҳар бир ёзувчининг кўп билимдон бўлишлиги лозим; агар у ёзувчи билимлик бўлмас экан, албатта, ўзидан бурун тожни кўриб кетган кишиларнинг ўйлаган нарсаларини кўз олдиға келтира олмайди. Ҳам шунинг натижасида ўзининг газетага ёхуд журналга ёзган мақоласида “фалон музейда фалон тож турибди, уни одамлар кўп-кўп келиб томоша қилиб кетаётди¹⁷” дейишдан бошқа нарсани айтмасди. Мана

¹⁶ Манам ҳам- мени ҳам

¹⁷ Томошо қилиб кетаётди¹⁷лар- томошо қилиб кетяптилар

шундай ёмон ҳолни ёзувчи ўзининг устига олмайман, деса мутлоқо ҳар бир илмни ўрганиши ҳаммадан бурун зарурдир.

Масалан, умрида Хоразмда бўлмагон ёзувчи, “Хоразм ўзбекларининг ҳозирги кун кўришлари” деб мақола ёзса, бунда энди унинг ёзгон нарсаси юзаки бўлиб чиқади. Нимага десангиз, чунки у- Хоразмга бориб ўзбекларнинг ҳозирги вақтда қандай кун кўришларини ўз кўзи билан кўрмади ёхуд шу мавзуга доир адабиётларни текшириб кўришга бўйни ёр бермади. Шунинг натижасида унинг ёзгон нарсаси асоссиз ва бўш гапдангина иборат бўлиб қолди. Мана бундай ярамас ҳолдан қочишнинг энг муҳим чораси аввал билимли бўлиш, сўнгра ёзиладиргон масалани кўп текшириш орқасидадир.

СЎЗГА БОЙ БЎЛИШ КЕРАК

Ёзувчи киши тилни жуда яхши билиши билан яна сўзни кўп билиши керакдир. Чунки сўзни кўп билиш, тилни яхши ишлата билиш, кишининг фикрини тўғри бир йўлга соладиргон ва уни чуқурлатадиргон бирдан бир воситадир.

Ангилтара¹⁸нинг атоқли ёзувчиларидан Шекиспир¹⁹ ўзининг асарларида ўн икки минг сўз ишлатадир. Фарангистон²⁰нинг ёзувчиси Молир²¹ етти минг сўз билан фойдаланадир. Яна русларнинг шоири Пушкин²²ни олсак, у тахминан ўн мингга яқин сўз ишлатадир. Мана шундан кўриниб турадирки, дунёнинг атоқли ёзувчилари қанчалик сўзга бой бўлиб, ўзларининг кўпга²³ билдираман деган фикрларини яхши аниқ ва кўпчилик тушунарлик қилиб ўз асарларини ёзиб қолдиргонлар.

¹⁸ Ангилтара-Англия

¹⁹ Шекиспир-1564 йилда туғулиб, 1616 йили вафот этган.

²⁰ Фарангистон- Франция

²¹ Молир-1622 йилда туғулиб, 1673йили вафот этган .

²² Пушкин-1799 йилда туғулиб, 1837 йилда вафот этган .

²³ Кўб-кўп

Ана энди ўзимизнинг ўзбек ёзувчилариға келсак, буларнинг тил жиҳатидан жуда кўп кейинда қолғонлиқларини кўрамиз. Бунинг учун ҳар бир ёзув ишига берилган ёш ҳаммадан илгари тилни яхши ўрганиш ва ўзининг бошдан биладирган сўзларини мустаҳкамлаш учун, ҳам тўғриси айтганда, сўз ўрганиш ўрганиш учун ўзларининг кўп вақтларини ишчи-деҳқон ва тилбиларманлар билан суҳбатлашишга сарф этсин. Чунки улардан кўпгина ўрганиш мумкиндир. Бунинг устига яна ҳар турли луғат ва китобларни ўқиш керак. Булардан бошқа яна духтур²⁴, инженер, техник ва бошқалар тўғрисидаги маълумотномаларни кўриб, улардан ҳар доим фойдаланиш ҳаммадан зарурдир.

ЎЗБЕКЧА ВА ЁТ СЎЗЛАР

Ҳар бир миллатнинг ўз миллий сўзлари каториға яна анчагина ёт сўзлар ҳам кириб қолғон. Хусусан, бундай ҳол маданият, техникадан бир қадар кейинда қолғон миллатларда кўпдир. Масалан, билим ва техникада немислар русларга қараганда бир қанча олдинда бўлғонлиқлари учун уларнинг кўпгина сўзлари русларга ўтган. Чунки руслар улардан машина ва духтурлар берадирган дориларни олғонлари учун, шу айтганимиз машина ва дорилар билан уларнинг немисча отлари қабул қилинадир. Агар уларнинг отларини қабул қилинмасин дейиладирғон бўлса, ўзинг кашф қилмағон нарсангга қандай қилиб ўзинг от қўясан дейиладир. Бу албатта мумкин эмасдир. Бунинг учун бундай нарсаларнинг исмлари ҳамма учун бир бўлиб ўз отида қолаберадир.

Яна иккинчи бир томони борки, юқорида айтганимиз сўзлардан ҳам бошқа кўп нарсаларнинг отлари бор. Улар ҳозирги кунда русларнинг матбуотида кўпгина ишлатиладир. Бу нимага бундай, десангиз албатта шу сўзларнинг қаршисиға сўз топа олмайди, деб жавоб беришга тўғри келади. Ўзимизда бўлса ҳам шундай илмий сўзлар ва атамалар сўзимиз

²⁴ Духтур-врач (доктор)

орасига кирар экан, уни шундай ишлатиш билан мутлоқо қавс-ёй () очиб, маънисини тушунтириш лозим.

Энди ҳозирги кўп ёзувчиларимизда шундай бир ёмон одатки, ўзларининг ёзувларида арабча, форсча ва русча сўзларни жуда кўп ишлатадирлар. Ана шу ишлатиладирган сўзларнинг қаршисида кўпинча ўзбекча сўзлар топиладир. Нима учундир ўзбекча сўзларни топиш мумкин бўлгон тақдирда, ўзбекчани ёзмасдан русча, арабча ёхуд форсичани кўп ёзадирлар, ўзбекчасини топиш учун бироз меҳнат қилиб излашни ўзларига катта оғир иш биладирлар. Мана шунинг натижасида кўпларининг ёзгон мақола ёхуд ҳикояларини омма-кўпчилик англай олмайди. Бунинг учун эски ёзувчилар соф ўзбекча ёзишқа тиришсалар, иккинчи томондан ёш ёзувчилар бундай касалликдан ўзларини олиб қочсинлар.

БАЙНАЛМИЛАЛ СЎЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ҳозирги кунда ўзбек тили орасига анчагина байналмилал сўзлар кириб қолди. Кўп ёзувчиларимиз шуларни ўзларича ёзиб, қавс ичиға маъносини тушундириш ўрниға тўғридан-тўғри шу сўзнинг арабчасини оладирлар. Бизнинг ишчи-деҳқонларимиз учун у сўзнинг арабча, немисча ёхуд русча бўлишининг ҳеч аҳамияти йўқдир. Ҳамма нарса биргина шу сўзнинг асосий маъносини билиш устидадир. Масалан, байналмилал сўзи бутун миллатлар учун баробар сўз бўлиб қабул қилингон. Биз буни байналмилал деб олиш билан бу сўзни фақат араб қолибиға солиб ўзимизга тушунмаслик қилиш устига, яна бошқалар қаторидан айрилиб чиққан бўламиз. “Пролетар” сўзини “Йўқсул” деб олмоқдамиз. Бу ҳам нотўғри. Бунинг ҳам байналмилал сўз эканлигини назарга олиб “Йўқсул” демасдан “Пролетар” дейишимиз лозим бўладир. Хулосасини айтганда, бундай сўзлар кўп, ҳаммасини ўзининг тутқан ўрниға қараб олиш керак. Маъносини бўлса қавс () ичида бир неча сўз билан бўлса ҳам тушунтириш керакдир.

Яна бироз бирёқлама сўзлар устида тўхталамиз. Масалан, Ўзбекистон ўзининг ичига илгариги Туркистон, Бухоро ва Хоразм ўзбекларини олар экан, ҳеч бир киши айта олмайдирки, шу ўзбекларнинг сўзлари бир-бировларидан асло айрилмайдир, деб. Мутлоқо айриладир. Масалан, Фарғонада русча “Роюн” (رايون) сўзини Дипара, Самарқандда “Жариб” деб юрутиладир. Энди бу сўз икки вилоятда икки турли бўлиб юрутилар экан, албатта ундай ўзбеклар шундай бир хил сўз устига келганда бир-бировларидан айрилар эканлар. Шунинг учун янгидан ёзув ишига берилиб бормоқда бўлгон ёшлар ўзларининг ёзувларида мутлоқо мамлакатнинг кўпчилиги тушунадиргон сўзларни олсинлар. Токи унинг ёзгон нарсасини Фарғона, Самарқанд, Тошкант Бухоро ва Хоразмда бўлгон ўзбеклар англай билсинлар.

ЯНГИ ВА ЭСКИ СЎЗЛАР

Матбуотимизда умуман олганда адабиётимизда кўп вақт ёзувчилар, адиблар ва шоирлар кўп эски ва янги сўзларни ишлатадирлар. Масалан, “Дунё” сўзини “Очун” (ئاچۇن) деб юрутиладир. Бу албатта халқнинг оғзидан қолиб кетган эски сўздир. Яна “Журнал”ни “Жунг” (جۈنگ) деб ишлатиладир. Бу сўзларни ёзувчиларнинг кўплари ишлатган бўлсалар ҳам халқ ишлатмайдир. Шунинг учун ҳар бир ёзувчи ҳаммадан бурун халқнинг ўзи кўп ишлатадирган сўзларни ишлатишга тиришиши лозимдир. Мана энди шундай кўп камчиликлар орамизда бор экан, булардан қочиш ҳар бир сўзни халққа тушунарлик қилиш учун янги ўсиб келмақда бўлгон ёшлар, ўзлари бир ёт сўзни жумла орасига киргизмакчи бўлсалар, ҳаммадан бурун шу сўзнинг маъносини текшириб қаршисиға сўз топиб уни ишлатсинлар. Агар бундай сўз топилмайдиргон бўлгон ҳолда албатта шу сўзнинг ўзини олиб, сўнгра қавс () очиб бир неча сўз билан маъносини тушунтиришлари энг қулай бир йўлдир.

ЁЗУВЧИНИНГ МАҚСАД ВА ИНТИЛИШИ

Ёзувчи мақола, ёхуд бир ҳикояни ёзишга урунишдан аввал ўзининг нима тўғрисида ёзишини, қандай ёзишни, ёзиб нималарни англатишни ва бошқаларни ўйлайдир. Демак, шунинг билан ҳар бир ёзувчининг ёзиш олдида нима тўғрида ва қандай ёзиш масаласини ҳал қилиб олиш турадир. Агар бир газетачининг олдида ўзининг мақоласи билан турмушда бўлгон ҳолни ёзиб, кўпчиликнинг диққатини шу воқеага торттиш ва ёхуд бўлгон воқеани кўпчиликка ҳикоя қилиб бериш турар экан, албатта у газетачининг (яъни мақола эгасининг) олдида қўйгон бир мақсади бор. Ёзиш бу билангина ҳам бўлмайди. Мақсадни бир ерга қўйиб олгондан кейин ҳам қандай ёзиш масаласини албатта ҳал қилиш керакдир.

Мана шу тариқада ёзувчи ўзининг қаламини қўлига олмасдан туриб мақсад, қандай ёзиш йўлини ҳал қилади-да, шу мақсадга етиш учун қўлига қалам олиб ёза бошлайди.

Мана энди ёза бошлагонда ҳаммадан бурун ёзувчи ўзига –ўзи ҳисоб бериб, мақолани қандай ўқувчиға ва кимға қараб ёзишни ҳам мутлоқо ҳисобқа олиши керак. Агар ёзувчи ўзининг мақоласини деҳқонға доир қилиб ёзадиргон бўлса, мутлоқо энг биринчи деҳқон қизиқадиргон мавзунини олиб, деҳқоннинг илмий даражасига қаратиб ёзиш лозимдир. Иккинчи жиҳатдан, деҳқонлар учун ёзиладиргон мақола оддий, яъни тушунишлик²⁵ бўлиб ёзилсин. Сўз орасида деҳқонға тушунилмайдиргон сўзларнинг кириб қолишидан албатта қочиш керак, чунки улар мақолани ўқиб, тушунмай қолгон сўзларини қироатхоналардан луғатлар топиб текшириб юрмайдир. Бунинг устига яна унга санъатда янги ижод, ёхуд мисрада янги топилгон эски замон қолдиқлари тўғрисида ёзиш керак эмасдир. Чунки бир томондан деҳқоннинг илмий даражаси ундай мавзуларни еша (еча) билишга

²⁵ Тушунишлик-тушунарлик

етишмайдир. Бунинг учун кераклик нарсa- деҳқончилигининг яхши бўлиш чораси, солиқнинг қандай олиниши каби масалалардан ёзиш керакдир.

Агар ёзувчи ўзининг мақоласини бошда ишчилар учун ёзадиргон бўлса, бунда албатта ишчиларнинг турмушларини яхши билиши лозим; мавзунини ишлаб чиқариш ишининг бориши, ойлиқ масалалари ва янги турмуш каби масалалардан олиб, буларнинг тушунчаларини назарда тутиши зарурдир.

Ёзувчи ўзининг ёзадиргон нарсасини қайси тоифага қаратиб ёзса, мутлоқо шу тоифани яхши билиши керакдир. Ёзувчи, яна ўзининг мақоласининг қуруқ сўзлардан иборат бўлиб қолмаслиги учун катта ҳозирлик²⁶ кўрсин, ҳам охида амалий чораларни таклиф этиши керакдир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ХАБАР ВА МАҚОЛАНИ ҚАНДАЙ ЁЗИШ КЕРАК?

ХАБАР ВА МАҚОЛА ҚАНДАЙ БЎЛАДИР?

Газетани шундай қўлимизга олиш билан унда босилгон ҳар турли хабар ва мақолаларга қўзимиз тушадир. Чунки босилгон нарсаларнинг қўплик-озлик томонидан айирмаси²⁷ бўладир. Иккинчи томондан ўн-ўн беш хатдан иборат бўлиб, бир бўлгон воқеанинг хабаринигина билдирган хабарларга **“Хабар”** деб, ўзи эллик-юз ёхуд қўпроқ хатдан иборат бўлиб кунлик бўлиб тургон ҳоллар муносабати билан қўпчиликни белгили бир йўл билан бошқарадиргон ва уларга маълум тарбия берадирган ёзувларга **“Мақола”** деб айтиладир.

Газета босилгон бутун материалларни иккига бўлиш мумкин. Буларнинг биринчиси газета ўқувчиларга кун сайин чет элларда ва

²⁶ Ҳозирлик кўрсин- тайёргарлик кўрсин

²⁷ Айрма-фарқи

Ўзимизнинг мамлакатимизда бўлиб турғон воқеаларни билдириб турадир. Бу бўлимни **“Ахборот бўлими”** дейиладир. Иккинчисида бўлса, мамлакатимизда нималар бўлмоқда ва нималар қилиш керак деб ёзиладирғон нарсалар **“Мақола”** тарзини оладир.

Ахборот бўлимининг ўзи иккига бўлинадир: бири ўз мамлакатимизнинг ва чет мамлакатларнинг сиёсий ҳолларини ёзадир. Масалан, Англия кўмир кон ишчиларининг иш ташлаб хўжайинлариға ойлиқларини орттириш ва иш соатларини камайтириш учун бош кўтаришлари, ҳукуматнинг кон эгаларига ёрдам бермакда бўлгонлиғи²⁸ ва бошқалар тўғрисида тартибли равишда ёзила борадир. Иккинчисида, мамлакатимизда ишлаб чиқариш молларининг қандай ишланганлигини, бозорга қачон тушишлиғи, ишхона ва корхоналаримизда бўлиб турғон ҳолларни, қишлоқ кун кўришларини ёзиб туришдир.

Қолғон материаллар ҳам куйидағиларға бўлинадир: деҳқон бўлими (кўпинча, бизнинг ўзбек газеталарида **“қишлоқ бўлими”** сарлавҳаси билан ишлатиладир) бўлиб, бунда деҳқонларнинг орасида қандай ишлар қилинмоқда, нималардан улар додлайдир, нималар етишмайди, деҳқончиликлари қандай, қайси деҳқон ўт-омочлар ишлатиб ҳосилотни кўп олди, маориф ишлари қандай бормоқдадир, хулоса қишлоқда шўро ҳукумати деҳқонлар орасида нималар қилмоқда ва натижалари қандай чиқмоқда? –ана шуларнинг ҳаммаси ёзиладир. Худди шунингдек, фирқа, ишчи, хотин-қиз, кизил қўшин ёшлар ва бошқалар турмишидан ҳам ёзиладир.

Газеталарда яна бир муҳим бўлим бўлса, у ҳам **“Шаҳаримизда”** деган сарлавҳа билан ишлатиладирган бўлимдир. Бу бўлимда газета чиқадиғон шаҳарда кун орасида нималар бўлди, қандай воқеалар бўлиб ўтди ва бошқа хабарлардан маълумот берадир.

Газеталаримизнинг энг муҳим бўлимларини ўзларининг ёзғон нарсалари билан бой қилиб турадиғон хабарчиларимиздир. Ҳар бир хабарчи ўзининг газетаға юборғон хабарини қандай ёзиши ва қандай текшириши

²⁸ Ёрдам бермакда бўлгонлиғи- ёрдам бермокчи бўлганлиғи

устида бироз тўхталиб ўтамиз. Айтайлик, бир хабарчи қишлоқда туриб тирикчилик қиладир, шунинг билан у деҳқонларга жуда яқин. Деҳқонларнинг қандай ҳоллар кечирмакда бўлғонлиқларини била туриб газетага шуни ёзиб яхшиланишини умид қиладир. Иккинчидан, яна бир қишлоққа борғон солиқчининг устидан бир деҳқон оғзаки “Пора оладир” деб хабарчига додласа, хабарчи буни ёзиб олиш билан шу солиқчининг пора олғонлигининг тўғрими, ё нотўғрими эканлигини албатта текшириб кўриши ва ўзи бир нарсани кўрмасдан туриб ёзишдан тортиниши керак. Хабарчи шуни ҳам билиб қўйсин, ким у шундай текширилмаган хом нарсаларни ёзиши билан тегишлик идораларнинг текшириши натижасида ёлғон ва бўҳтон бўлиб чиқса, албатта ёзғон хабарчи масъул бўладир.

Хабарчининг фикри, тушунчаси ва қалами кучая бериши билан унда каттарок ёзувчи бўлишга ҳавас ортадир. Мутлоко у ўзини тарбиялаб бориши керак. Шунинг учун китобчада хабарчиларнинг хабарни қандай ёзишлари керак, деб бироз тўхталиб ўтиш билан хабарчининг ёзғон нарсаси газета идорасига келгандан кейин у махсус газетачилар кўлидан қандай ишланиб чиқишини мисоллар билан кўрсатиб ўтишни лозим кўрдик. Умид қиламиз, ким хабарчилар ўзларининг ёзувларини шунда кўрсатилган қоидаларга асослантириб ёзарлар.

Ҳар бир хабарчи қандайгина²⁹ бир воқеани ёзишни истамасин, матбуот қоида­си­га риоя қилиб мутлоко уч нарсани эсдан чиқармасин: бири-нима, иккинчиси-қандай, учинчиси қаерда. Хабарни ёзишдан илгари бўлғон воқеани яхши текшириб бўлиб ёзишга бошлағонда ҳаммадан бурун нима бўлди, қандай иш чиқди ва қаерда бўлди дейилган нарсаларга амал қилинсин. Масалан, хабарчининг ёзуви:

Янгиқўрғон кентида бўлғон кооператив дўконининг мудир эски Николай замонидан қолғон ёмон киши бўлиб, деҳқонларга жуда кўп азоб берадир. Деҳқонлар мол олиш учун кооператив дўқони­га борсалар, у доим ўзининг ўртоқлари билан қарта ўйнаб ўлтирадир. Деҳқонларга “келинглар, нима

²⁹ Қандайгина бир воқеани - қандайин бир воқеани

оласизлар?” демайдир. Деҳқонлар мол беринг деса, урушиб юборадир. Шундай ёмон кишилар деҳқонларни жуда эзмакдалар. Эшмат ўғли газетачи тузатгандан кейин: “Жиззах тумани Янгиқўрғон кенти кооператив дўконининг мудир Пирмат ўғли деҳқонларга мол сотиш ўрнига доим қарта ўйнаб ўлтирадир. Агар деҳқонлар мол сотинг десалар урушиб юбориб, шўро капирафидан кўпчиликни қочирадир.

“Эшмат ўғли”

Кўрдик, юқорида, биринчидан, хабарчининг юборғон ёзуви ва иккинчидан, газетачининг қўлидан чиқиб матбаага юбориш олдида тузатилиши; хабарчининг ёзувида “Янгиқўрғон кентида” деб бошлайдир. Албатта, уни ўқиғон киши Янгиқўрғон Қозоғистондами ёхуд Ўзбекистондами деб қўп ўйлайдир. Агар билса “ҳа, Самарқанднинг жиззах туманида³⁰” дейдир. Агар билмаса бундай ҳолнинг қаерда бўлғонлигини билмасдан қолаберадир. Бу албатта биринчи хато, иккинчидан бўлса дўкон мудирининг отасининг исми айтилмаганлиги ва учинчидан бўлса, у кишининг Николай замонидан қолғонлиги ва бошқалар.

Энди бу хабарни газетачи қўлига олиш билан биринчидан, Янгиқўрғон кентининг қайси туманга қарашлигини излаб топадир. Кераклик идоралар орқали ёхуд хабарни ёзиб юборғон кишига хат ёзиб мудирнинг отасининг исмини билиб оладир. Ҳам хабарнинг энг муҳим ўрнини олиб ўн хат ўрнига тўрт хат билангина масалани очик айтиб берадир.

Шу кўрсатганимиз мисолдан очик маълум бўлиб турибдирки, хабарчи ёзув қондасини билмайдир. Юқоридаги уч саволнинг иккитасига жавоб берган бўлса, энг муҳими бўлғон учинчисига, яъни қаерда деган саволига жавоб бера олмағон. Газетачи бўлса, унинг демакчи бўлғон учинчи саволини

³⁰ 1927йилда Жиззах Самарқандга қарашли бир туман сифатида бўлган. Ҳозирги кунда эса Жиззах Ўзбекистоннинг алоҳида бир вилояти сифатида эътироф этилади.

топди. Ҳам шунинг билан энди хабарчининг демакчи бўлгон мақсади ҳаммага ҳеч бир уй-фикрсиз англашиларлик даражага тушди.

ҚАНДАЙ САРЛАВҲА ҚЎЙИШ КЕРАК

Умуман газета ишида хабар ва мақолага сарлавҳа қўйиш масаласи ҳам катта ўрин тутадир: хабарчилар ўз биларининг³¹ ёзгон нарсаларига сарлавҳа қўйиш учун шу хабарни ёзишдан кўпроқ вақт сарф этадилар. Аслини суруштириб келсак, сарлавҳа қўйиш жуда осон нарсадир. Сарлавҳа қўйиш ҳам хабарнинг яхши ёхуд ёмон ёзилишига боғлиқдир. Агар хабарчи фақатгина бўлгон воқеани оз сўз билан яхши қилиб ёзса, шу ёзгонининг энг муҳим бўлгон ерини ёхуд шу хабардан кўзда тутилган мақсадни сарлавҳа қилиш мумкиндир. Агар шундай бўлса, кўп вақт бир хабарнинг сарлавҳасини қўриш билан уни кўрган киши хабарнинг нима тўғрида ёзилгонини билиб оладир. Кўп ўқувчилар ҳақиқатан ҳам газеталарда ёзилгон нарсаларнинг ҳаммасини ўқиб ўлтирмайдилар. Шунинг учун сарлавҳанинг хабарда ёзилгон муҳим нарсдан қўйилиши лозимдир. Масалан, хабарчининг ёзувчи:

Етим болалар – ўғри

Ҳаммага маълум, ҳозирги кунда ота-онасиз етим болалар оч ва яланғоч юрадилар. Уларни боқиш учун ота-оналари йўқ. Бечоралар нима қилишни билмасдан шаҳарларда ва темир йўлларда тиланиб ва ўғурлик қилиб юрадилар. Яқинда Тошкант истансиясида бир бонка хазиначисининг попкасини ўттиз минг сўм пули билан ўғурлаб кетдилар. Ўғрилар ушланиб текширилганда улар ота-онасиз етим болалар экан.

Тузатилиб ҳам сарлавҳа қўйилиши:

³¹ Ўз билари- ўз билганини (мас мақоласини)

30000 сўм ўғурланғон

Тошкант қишлоқ хўжалиқ бонкаси ҳазиначисининг попкасини ўттиз минг сўм пули билан ўғурлағонлар. Ўғрилар ушланиб текширилганда уларнинг етим болалар эканлиги маълум бўлгон.

Бунда осик маълум бўлиб турибдирки юқоридағи хабарнинг энг муҳим ўрни ўттиз минг сўм пулнинг ўғурланишидир. Хабарчи “Етим болалар ўғри” деб умумий бир сарловҳа қўйгон, буни тузатган газетачи хабарнинг аҳамиятига қараб сарлавҳани умумий қилмасдан хабарнинг нима тўғрида ёзилганлигини назарга олиб "30000 сўм ўғурланғон" деб сарлавҳа қўйгон. Бу сарлавҳа ҳаммани қизиқтирадир. Чунки “30000 сўм ўғурланғон” деб кичкириб турибдир. Юқоридағи биринчиси бўлса “Етим болалар ўғри” деб туриш билан хабарнинг энг муҳим ўрнини бирданига билдирмайдир.

КЕНГАЙГАН ХАБАР

Йиғилиш ва қурултойларни қандай ёзиш керак?

Хабардан кейин иккинчи ўринни йиғилиш ва қурултойларнинг бориши тўғрисида ёзиш масаласи оладир. Бу тўғрида ёзиладирғон хабарларни кенгайган хабар, деб ҳам юрутиладир. Бу 20 сатрдан то 100 ва ундан кўпгача ҳам бўладир. Бунда кўпинча жойларда фирқа ва шўро қурултойи ва канфиринсия ҳам йиғилишларнинг бўлиши тўғрисида ёзиладир. Бундай кенг хабарни ёзувчилар ҳаммадан бурун қурултой ёхуд йиғилишнинг қаерда очилгонлигини, бинонинг қўринишини, вакилларнинг келишларини, ундан сўнгра вакилларнинг мажлис бўладирғон бино ичида мажлиснинг очилишини кутиб туришларини, кимнинг томонидан очилишини, ҳайъатга кимларнинг сайлангонлиқларини ва хулоса мажлисда қараладирғон муҳим масалаларни бир-бирисининг орқасидан ёзиш керак. Бунда хабарчи ўзидан ҳеч бир нарса қўшмайдир. Балки шунда бутун бўлиб турғон нарсаларни тартибли равишда ёзборадир.

Кенг хабарни биргина курултой ва йиғилиш бўлгон вақтдагина ёзиб турмайдир. Буни ҳар вақт ёзиш мумкин. Масалан, кеча Тошкентда жуда катта ёнғин бўлди. Ана шу вақтда газеталардан ҳеч бир хабарчи йўқ. Бундай ёнғинни кўрган чет бир киши уни ёзабошлайдир. У энди ҳаммадан бурун ёнғинни нимадан бўлгонлигини, қандай ёнишини, одамларнинг қандай ёрдам кўрсатганликларини ёхуд шундай томоша қилиб тургонликларини, ўт ўчирувчиларнинг қандай қаҳрамонлик кўрсатганликларини ва натижада қанча киши ўлиб ва қанча зарар бўлгонлигини ёзса керак. Иложи бўлса шуни ёза бошлагон киши ёнғиннинг расмини (башарти ёнғин катта аҳамиятга молик бўлса) ҳам олдириб тез газета идорасига юборса бўладир. Ана у вақтда газета биринчидан кутилмаган катта ёнғин тўғрисида ўқувчиларга хабар бериш билан унинг расмини газетада чиқарадир. Бундай нарсалар газетанинг кўп тираж (нусха) га эга бўлишига сабаб бўладир.

МАҚОЛА ЁЗИШ УЧУН НИМА КЕРАК?

Мақола ёзиш иши ниҳоят даражада қийиндир. Ёзиладиргон мақола бўлгон бир воқеани сўзламасдан, балки шу воқеа тўғрисида сўзлайдир. Ёзувчи бунда бундай бўлди- ундай бўлди деб ёзмайдир. Балки у бунда ўзининг шу воқеа тўғрисидаги фикрини ёзадир. Унинг қандай масалаларни туғдиришини мулоҳаза қиладир. Демак, шуларни ёзадиргон кишида ҳар вақт тушунча ва билимнинг керагича бўлиши устига сўзга ҳам бой бўлиши керакдир.

Умуман газеталарни қўлга олгонда кишининг ҳаммадан бурун бош мақолага кўзи тушадир. Бош мақола ҳар вақт кунлик бўлиб тургон муҳим масала устида бўладир. Бундай мақолада кўтарилган масалага кўпчиликнинг диққатини жалб қилиш билан кўпчиликка белгили³² бир йўлни кўрсатадир ва амалий чораларни таклиф қиладир. Мана бундай мақола биринчи мақола, деб юрутилади. Кўп вақт газеталарда икки бош мақола бўладир. Бири биринчи

³² Белгили бир йўлни -маълум бир йўлни

мақола бўлиб, иккинчиси иккинчи мақола бўладир. Биринчи ва иккинчи мақолаларнинг орасида фақат жуда оз бўладир. Фақатгина улар масаланинг жуда муҳим, шу кунда ҳал қилиниши керак бўлғонлиғидан олдин-кейин қўйиладир. Қоидага биноан бош мақолалар ҳар вақтлар имзосиз босилиши керак. Бизнинг кўп газеталаримизда муҳаррирлар бош мақола ёзиб ўз имзоларини қўядирлар. Агар имзо қўйилмаса, мақолада баён этилган фикр газета идорасининг фикри бўлиб, имзо қўйилғон бўлса, албатта, ёзгон кишининг ўз фикридир.

Энди бу мақолалардан бошқа ҳам газетада кўп мақолалар бўладир. Улар ҳам бўлса, ўзларининг мундарижаларига қараб ҳар хил бўладир. Бири халқ маорифи, иккинчиси қишлоқ хўжалиғи, учинчиси ишлаб чиқариш ва ҳоказо бошқа масалалар тўғрисида бўладир.

ФИЛИТУН³³ ЁЗИШ

Филитун ҳам ўзининг мақсад жиҳатидан бошқа мақолалардан ажралмайдир. Фақат бунинг айирмаси³⁴ шундадирки, филитун ёзувчилар бир масалани асос қилиб олиб, ўзининг айтадирғон мақсадини мақоладек жиддий суратда тушунтирмасдан, балки, енгиллик ва усталиқ билан кулги қилиб тушунтирадирлар. Ҳақиқатдан ҳам, филитун ёзиш катта ҳунардир. Қайси газета ўзининг уч-тўрт сонида бир мартаба филитун босиб қўйса, бир томондан газетасининг тиражи ортадир ва иккинчи томондан ҳар кун газета ўқиб жиддий масалаларни муҳокама қилувчиларга филитун билан дам берган бўладир. Шунини ҳам айтиш керакки, филитун, асосан, турмушда бўлиб турғон муҳим масалалар устида сўз очиб ҳам ҳақиқий бўлғон воқеаларни ҳикоя қиладир.

³³ Филитун- фелетон

³⁴ Айирмаси-фарқи (ажралиб турувчи хусусияти)

Шундай филитун ёзишқа ҳаракат қилувчилар биринчидан ўзларига ниҳоят даражада ишонсалар керак³⁵. Чунки филитун ёзиш учун сўзга бой (хусусан, қизиқ сўзларни билиши керак), тили оддийгина бўлсин. Иккинчидан, филитун ёзишда муҳим воқеани олиб яхшилаб текшириб, сўнгра ёзсин. Учинчидан, шу нарсага урунгувчиларда мутлоқо иқтидор бўлиш керакдир. Бизнинг турмушимизда филитун жуда катта ўрин олса бўладир. Чунки бир хил идора бошлиқлари ёхуд хотин-киз масаласида айтишга мумкин ҳурофот масаласида ҳам кўпларча филитунлар ёзиш мумкин. Шунинг билан уни ҳамма суюб (севиб) ўқийдир. Филитун жиддий, асосли ва ҳажвий мақола бўлиб, кўп вақт газетанинг биринчи бетида босиладир. Франсузча филиятун сўзи шунга белгиланган ўриндир.

МАҚОЛА ЁЗИШ ТАРТИБИ

Мақолани қандай ёзадирлар, қандай бошлаб қандай тамом қиладирлар? Ана шуни ҳар бир мақола ёзишқа ҳаракат қилувчи кишининг ҳаммадан бурун билиши керакдир. Шунинг учун ўртоқ Лениннинг қуйидаги мақоласини кўчириб текшириб ўтсак, ўқувчиларимизга масала очиқ бўлур деб умид қиламиз.

“Газеталаримиз тўғрисида”

“Сармоядорлар газетадан сармоя корхоналари, бойлар учун фойда топиш қуроли улар учун ахборот ва қўнгил юпаткич, меҳнаткашларни алдаш ва уларни заҳарлаш қуроли ясади. Бизлар фойда топиш ва алдаш қуролини синдирдик. Бизлар, газетадан оммани оқартиш³⁶, уларни катта ер эгаларидан ва сармоядорлардан бошқа ўз рўзгорларини тузишга ва улардан бошқа кун кўришга ўргатиш қуроли ясай бошладик. Бироқ ҳали бизлар эндигина ясай бошладик. Ҳали жуда кўп ишлашга, ҳали жуда катта йўлларни ўтишга керак бўладир...

³⁵ Ишонсалар керак-ишонишлари керак

³⁶ Оқартиш-тозалаш

Бойларға қарангиз, ўзига керак бўлгон нарсани у қандай усталиқ билан махтайдир³⁷(реклама қиладир). Сармоядорлар қошида намуна бўлурлиқ ўрун тутадиргон корхоналар, уларнинг миллион³⁸ нусхаларда чиқадиргон газетада қандай мақтанадирлар. Бойларнинг намуна бўладиргон муассасаларида миллий ифтихор ашёларини қандай вужудга келтирдилар. Бизнинг матбуотимиз ўзимизга энг яхши ишхоналарни, гўдақлар уйини намуна бўларлиқ ҳолга келтириш учун яхшилаб ёзиш, яхшилаб тасвир қилиш³⁹ тўғрисида ҳаракат қилмайдирлар; улар шу муассасаларда одам боласининг меҳнатига қандай иқтисод қилинғонлиғи, истеъмолчилар учун қандай қулайлиқлар бўлғонлиғини, озуқа ашёларига иқтисод бўлғонлиғини, хотин-қизларни уй қуллиғидан озод қилиш учун энг биринчи йўл эканлиғи тўғрисида, коммунизм иши юргизилганда бутун жамият, бутун меҳнаткашлар учун соғлиқни сақлаш йўлида ва бошқа ишларда қандай катта мувофоқиятлар майдонга келиши тўғрисида ёзишлари, уни муфассал суратда тасвир қилишлари лозим эди. Улар шунини ишламайдилар...

Тажрибасиз ва ўзининг вазифаларини тушуниб етмаган коммунистларнинг бошларини айлантирадирган сиёсий ёзишлар, умумий муҳокамалар, англамайдиргон шиорлар камрок, истеҳсолот⁴⁰(نستحسالات) тарғиботи кўпроқ бўлсин. Ҳаммадан яхшироқ ишлакли⁴¹ (ئىشلىكى), усто ва омманинг тараққиёт савиясига яроқлиқ қилингон амалий тажрибаларни ҳисобга олиш кўпроқ бўлсин...

Бизда эски мавзудаги сиёсий ташвиқотларға- сиёсий маҳмаданаликка жуда кўп жой бериладир. Янги турмушни тузиш масалаларига жуда кам жой бериладир. Бу тўғрида кўпроқ ҳақиқатлар лозимдир...

Шундай маъносиз сўзларни 200-400 йўллар⁴² ёзиб ўлтиришга қарағанда, меншивикларнинг муросачилиқлари, сотилғонлиқлари, бойларнинг

³⁷ Махтайди-мақтайди

³⁸ Милийун-миллион

³⁹ Тасвир қилиш- тасвирлаш

⁴⁰ Истеҳсолот-ишлаб чиқариш, саноат

⁴¹ Ишлакли-ишлайдиган

⁴² Йўллар-сатр, қаторлар

малайлари, сармоянинг муқаддас ҳужуми ҳуқуқини йўлга қўйиш учун англиз-япун, Амриқо⁴³ миллиардерларининг Германияга тиш қайрашлари ва бошқалар каби оддий, ижтимоий, оммага очиқ маълум бўлгон ва уларнинг тушунган масалалари тўғрисида 10-20 йўл⁴⁴ёзилса нима бўлур эди. Мана бу тўғрида сўзлаш, бу йўлда бўлгон ҳар бир ҳақиқатни айтиб-қўрсатиб кетиш керакдир...

Бунини айтганда, сўзлаганда узун мақолалар ёзиш, аллақандай муҳокамаларни такрорлаш керак эмас, эски ва ҳаммага маълум бўлгон, тегишлик баҳоси қўйилгон сиёсатлар тўғрисида телеграм усулида қилиб қисқагина равишда бир неча йўл (қатор) дан иборат ёзиб туриш керакдир.

Сиёсий маҳмаданаликлар, зиёлиларча муҳокамалар камроқ бўлсин, турмушга яқинроқ келиш керак. Ишчи ва деҳқонлар оммасининг ўзларининг кундалик ишларида иш билан қайнайдиётган бир янги нарсани ишлаганликларига кўпроқ эътибор қилиш керак. Мана бу янги нарсанинг қай даражада коммунизмга мувофиқ эканлигини кўпроқ текширилсин.

Бизда оммани жонлиқ, қатъий мисоллар ва маъишатнинг бутун табақаларидаги ўрнаклар билан тарбиялаш жуда камдир, мана бу сармоядорлик давридан коммунизмга кўчган вақтда матбуотнинг энг биринчи вазифасидир; бизда ярамагон⁴⁵ нарсани фош қилишқа, ижтимоий танқидга, ярамагон нарсани йўқотишқа, яхши нарсани ўрганиш учун чақиришқа жуда кам эътибор қилинади.

Тартибли ва ўсувли суратда шундай ишга киришиш керакдир, ким бойлар матбуотининг тамоман ёлғончилик, очикдан-очик ғийбатчилиги билан марҳаматсиз суратда курашиш ва уни сиқиш билан бир қатордан оммани сиёсий сифатлар, йўқ ва борлар билан овора қилмайдирётган ҳам уларнинг мияларини ачитиб ахлоқ қилмайдирётган матбуот, кундалик иқтисодий масалаларни халқ ичига қаратиб, уни жиддий суратда ўрганишга ёрдам берадирган матбуот майдониға келтириш бажарилсин...”

⁴³ Англиз-Япун, Амриқо—Инглиз-Япон, Америка

⁴⁴ Йўл-қатор

⁴⁵ Ярамагон-ярамайдиган,

В. И. Ленин

Ленин асари 15-жилд

Ўртоқ Лениннинг бу мақоласи газета хати (сатри) билан тахминан юз йўл (сатр) бўладир. (ҳар йўл газета ҳарфи билан 35-40 ҳарф бўладир) мақолада умуман ёзиладирғон фикр аслида ўзгармайдир. Фақат мақолани бошлашдан ёзувчи шу фикрни бутунлай ёзиб билдириш учун бир неча туркумга бўладир. Ҳар туркумда ёхуд бўлимда фикрнинг белгили⁴⁶ бир бўлими айтилиб бўладир. Яна иккинчи ва учинчи бўлимларга келганда фикрнинг қолғон нуқталарини баён қиладир. Демак, ҳар бир ёзиладирғон мақолада бир неча бўлим бўлади. Бу бўлимлар ўзининг тузилиш ва тартиб жиҳатидан бири-биридан узоқ бўлмасдан, балки ўзидан юқори бўлғон бўлимларга ёки далил кўрсатадир ва ёки уни қувватлайдир.

Мақолада айтиладирган мақсад мақоланинг асоси бўлиб, у нима тўғрисида бўлмасин мақоланинг сарлавҳаси бўладир; ҳамма фикр айтилиб бўлгондан кейин мақолани ёзувчи киши ўз имзосини қўядир, мақоланинг ичида жуда муҳим жумла ёхуд калималар ёзилсин, у вақтда ёзувчи шу сўзларни бошқа сўзларга қараганда очиқ бўлсин, деб шу сўзларнинг остига чизик тортиб қўядир, чунки у чизикни кўрган матбаа ишчилари (набуришлар) ёзилгон сўзларнинг ҳаммаси териладирган ҳарфдан бир қадар катта бўлгон ҳарф билан терилсин, деган мақсадни билиб шунга амал қиладир, яна ёзувчи ўзининг ёзуви орасида бошқа кишиларнинг сўзини, газета ва журналларнинг ҳам умуман асарларнинг исмларини, зовуд-фабрика ва сув кемаси ҳам айрупланларнинг исмларини ва булардан ташқари бир маънони ўқувчиларга тесқари аңлатмоқчи бўлса у сўзни қўштирноқ (« ») ичига оладир.

Масалан, бир киши ўзи мустақил бир фикрга эга бўлмасдан туриб, ўзини жуда катта фикр эгаларидан ҳисоблаб юрган бўлса, унинг қандай киши эканлигини билдирмоқчи бўлсак фалончи “мустақил фикр эгаси” деган сўзни қўштирноқ орасига олиб қўямиз. Иккинчи ўринда босмачилар бошлиғи бўлиб чиққан кўршарматни “ислом оламини душманларидан озод қилиш

⁴⁶ Белгили-маълум

учун курашувчи” деб айтганимизда шу жумланинг ҳаммасини қўштирноқ орасига олиш лозим бўладир, чунки у – халқни таловчи бўлиб, ўзининг таловчи эканлигини яширмоқчи бўлса ҳам ҳақиқатда босмачи ва таловчи эканлиги ҳаммага маълум эди.

Юқоридаги мақоланинг тузилишига қарасак, унинг ичида икки фикрнинг кенг маъно билан тушунтирилганлиги маълум бўладир. Масалан, биринчи бўлимда газетанинг қисқача етишмасликларини⁴⁷ кўрсатадир, бу нарсага кўпроқ аҳамият берилган. Ва иккинчисига аҳамият берилмаган, деб аввалги фикр бутунлай билдириладир. Иккинчи ва учинчи бўлимда юқорида айтилган фикрни икки бўлимда кенг равишда англатадир. Мақолани ёзувчи ўзича газетанинг қандай бўлиши тўғрисида фикр бериб ўтадир. Агар сиёсий масалалар тўғрисида кўпроқ ёзилгон бўлса қисқартилсин⁴⁸. Хўжалик тузулишларига кам ўрин берилган бўлса кўпроқ ўрин берилсин, дейдир. Тўртинчи бўлимда иккинчи фикрнинг бир бўлимини қисқа англатиб, озроқ сиёсат ва бешинчи бўлимда ўша иккинчи фикрнинг охирги бўлимига кўпроқ иқтисод тўғриларида ёзилсин, дейдир.

Мана кўрамиз, мақоланинг бошидан олиб то бешинчи бўлимгача англатадиргон фикр ўқувчиларга бир қадар очиқ бўлиб қолгон бўлса ҳам. Ленин шу юқоридаги фикрни бундан ҳам қувватлаш учун 6-7-8 ва 9 чи бўлимларда масалани кенгрок олиб мақоладан яқун ёхуд умумий натижа чиқарадир. Энди бу мақоланинг режасини тузмакчи бўлсак қуйидагичадир:

- 1- бўлим биринчи фикрнинг икки бўлаги, бири жуда оз ва бири жуда кўп.
- 2- бўлим иккинчи фикрнинг биринчи бўлаги, бири жуда кўп бўлса қисқартирилсин.
- 3- бўлим иккинчи фикрнинг иккинчи бўлаги, бири жуда оз бўлса қўшилсин.
- 4- бўлим иккинчи фикрнинг иккинчи бўлими, қисқача такрорлангон.

⁴⁷ Етишмасликларини-камчиликларини

⁴⁸ Қисқартилсин- қисқартирилсин

- 5- бўлим иккинчи фикрнинг иккинчи бўлими, такрорланиб кенгайтирилади. Муваффақиятларни очик кўрсатиб, тўғри жойларини ошиқчасидан ажратадир.
- 6- бўлим кенгайтирилган фикрнинг давоми бепарволик ва муваффақият козонишқа қаршилиқ билан курашилсин.
- 7- бўлим бўладирғон қаршилиқларга жавоб.
- 8- бўлим фикрни кенгайтириш давоми ҳўжалиқ жабҳасида эмас, ҳарбий жабҳада бўлғон аҳамитсизлик билан курашилсин.
- 9- бўлим натижа чиқариш- иккинчи фикр кенг равишда 8 чи туркумда кўрсатилгани учун қисқа мазмунда такрорланғон.

Юқоридағи мақоланинг тузулиши ниҳоят даражада яхши тузулган. Чунки мақоланинг бошида айтиладирган фикр айтилиб, ўрта ерларида далиллар кўрсатилиб, фикрга бошқа кишилар қарши чикмасин учун жавоб ҳозирланғон ҳам мақоланинг энг охирида умумий натижа чиқарилиб шиор тариқасида тамом қилинадур. Мана бу тариқада мақола ёзиш ўртоқ Ленинга махсусдир. Янги ёзабошлаб газетачиларимиз бу тариқа мақола ёзишдан ўрнат олсинлар

Айтайлик, мақола бир мавзу устида бўлур экан, у албатта бу фикрга алоқаси бўлмағон масалалар устидан сўз очмасин. Кўп янги ёзабошлағон ёзувчиларимизнинг ёзишларида шу нарса кўп кўринадир. Ёзувчи бир масала тўғрисида фикр юритар экан, у – ёзғон нарсасига мутлоқо далил ва исбот кўрсатиши лозимдир. Ҳам мақоланинг қайси мавзуда ёзилиб, фикрнинг қандай очик айтилганлиги, нимадан бошланиб нимадан тамом бўлиши ёзувчининг ўзига белгили⁴⁹ бўлиши керак.

КЕНГАЙГАН ХАБАРНИ ЁЗИШ ТАРТИБИ

Кенгайган хабар 30-40 хатдан олиб 200-300 гача бўлиши мумкиндир. Бундай хабарни ёзувчилар ҳаммадан илгари ўзининг ёзадурғон нарсасининг

⁴⁹ Белгили бўлиши-маълум бўлиши

кўпчилик учун аҳамиятликми ёки йўқми- буни ўйлаши керак. Агар аҳамияти катта бўладирғон бўлса, 200-300 хатгача ёзиш лозим. Агар аҳамияти кам бўлса, албатта 30-40 хатдан ортиқ ёзиш бўлмайдир. Бундай хабарни ёзишга ўйлагон киши фақат биргина бўлгон нарса тўғрисида ёзадими ёки шунга ўхшагон яна бир нечтаси билан бирга қилиб ёзадими?- бу албатта ёзишга бошлагон кишининг ихтиёридаги нарсадир. Энди биз шу тўғрида бир мисол ёки кенгайган хабарни ёзилиш тартибини кўрсатиб ўтайлик: “Бизнинг Ўсмаат қишлоқ деҳқонлари ҳозиргача эски ота-бободан қолгон омон, бўйинтурук билан ер ҳайдайдилар. Омоннинг ерни яхши ёрмағони ҳам ернинг яхши пишмагани учун ҳосилот жуда оз бўладир. Қишлоқда босмачилар ҳаракати тамом бўлиб шўро ҳукумати яхши томир ёйиб деҳқонларни ўзига жалб этди. Шўро ҳукумати ўзининг қиладирғон ишларининг энг муҳимларидан қилиб қишлоқ хўжалиғини кўтариш масаласини қўйғондир. Мана буни амалга чиқариш учун деҳқонларга оз ишлаб кўп ҳосилот олиш йўллари ҳам ўргатмакдадур. Шундай бўлса ҳам деҳқонларнинг жуда кейинда қолгонликлари учун ўт-омон (трактор), ёхуд умуман темир омон олиб ишлатишдан қочадирлар. Ўсмаат деган деҳқон “темир омон ишлатинглар” деб ҳукумат кишилари жуда кўп айтдилар, бир кўраинчи деб темир омон олиб ишлатган эди. Бунинг соясида ҳосилоти бирига йигирма келди. Мана буни кўрган бошқа деҳқонлар ҳам темир омон ва бир нечталари бош бирктииб ўт омон олиш учун уруниб юрибдилар.

Болтабой ўғли

Мана шу кенгайган хабардан кўриб турибмиз ким, қишлоқда бўлиб бир деҳқоннинг шундай иш қилиб ҳосилотни яхши олгонлиғини бошдан ёзиб келадир. Мана бу тариқада ёзишни кенгайган хабар ёзиш деб атайдир. Бунда энг аҳамият бериладирган нарса нимадир?-энг аҳамият бериладирган жойи шундадирки, биринчидан бу хабар деҳқонларнинг эски омон, бўйинтурук орқасидан юриб яхши ҳосилот олмагонликлари билан темир омон ишлатган деҳқоннинг ҳосилотини ва орасидаги фарқни кўрсатадир. Худди шунингдек

янгигина хабар⁵⁰ ёзиб ўрганган ёшлар бирданига кенгайган хабар ва мақола ёзаман, деб кўп уринмасалар керак. Чунки газета иши ниҳоят даражада қийиндир. Бунинг учун аввало хабарни не миқдор (қанчалик) яхши ёзиш далилларга суяниш, бунда тажриба ошқандан кейин кейингидек кенгайган хабар ёзишқа аста-секин бошланадир. Буни ҳам яхши билиб олғондан кейин табиий юқорилаша⁵¹ бошлайдир.

ДЕВОРИЙ ГАЗЕТА

Деворий газета ишчи ва деҳқон хабарчиларининг уй газеталаридир. Бунга ишчи ва деҳқон хабарчиларининг ўзлари бош мақола, иккинчи мақола ва филитун ёзадирлар. Деворий газета чиқариш олдидан мутлоко газетанинг кимларга ҳисобланиб чиқиши таъйин бўлсин. Бундан кейин шунга қараб газетанинг бўлимларини таъйинлаш лозимдир. Агар деворий газета ўзининг ким учун чиқишини таъйинлаб олмас экан, у ҳеч вақтда давом эта олмайдир.

Деворий газета хоҳ қорхонада, хоҳ мактабда ва хоҳ қишлоқда жамоат тўпланадирғон ерда чиқар экан, унинг энг катта вазифаси атрофида бўлғонларга тарбия бериш, камчиликларини тўлдириш, хиёнатларнинг устини очиш учун бутун хабарчиларнинг кучи сарф этилсин.

Деворий газета умумий вилоят ва марказга алоқаси бўлғон масалалар устида ёзиб турмасин. Чунки ундай хабарларни вилоят ва марказ газеталари ёзадирлар, шу деворий газетани ўқийдирғон кишилар у газеталарини ҳам ўқийдирлар. Шунинг учун ҳар бир хабарчи деворий газетага жуда яқин турсин. Хабарчини катта ёзувчи қилиб етиштирадирган бирдан бир деворий газетадир.

Деворий газеталарда ҳам бошқа газеталарга ўхшағон бўлимларнинг бўлиши керак. Агар Деворий газета шаҳарларда ишхоналар ёнида чиқар экан, у вақтда унинг бўлимлари тахминан қуйидагилардан иборат бўладир: ишлаб

⁵⁰ Янгигина хабар ёзиб ўрганган ёшлар-эндигина (яқиндагина) хабар ёзиб ўрганган ёшлар

⁵¹ Юқорилаша бошлайдир- савия юксала бошлайди (тажриба оша бошлайди)

чиқариш бўлими- бунга ишлаб чиқариш ишининг бориши, ишнинг қуйилиш тартиби, ишни бўлиш, меҳнатни сақлаш, соғлиқни сақлаш, ойлиқ ва кийим масалалари. Бизнинг турмуш бўлимига ишчиларнинг турмушида бўлиб турғон ҳаракатлар ва етишмасликлар, кулуб, қироатхона ва тўғарақларнинг ишларидан ёзилади. Бунда бошқа ишчиларга ичкилик ва безориликнинг зарари каби масалалар тўғрисида ҳар сон деворий газетада ёзилиб турилиши керакдир.

Булар билангина тўхталмасдан ишчиларнинг энг қизиқадирғон масалаларини излаб топиб анашуларни ёзишлари керакдир. Бунинг ҳаммаси ёзилаберилади⁵². Бироқ унинг амалга чиқарилиши албатта келар сон газетада эълон қилиниши лозимдир. Айтайлик бир ишчи ўзининг иши оғир бўлиб кетганлигидан зорланиб бир нарса ёзди. Уни газетага ҳам ёздириб чиқарадир. Анашуни текширилсин. Ҳақиқатан хабар хабар ёзувчининг иши қўпайганми ёки нотўғри айтадими?- мана шуни белгили⁵³ ташкилотлар томонидан текширилгандан кейин чиқарилган қарорнинг газетада албатта эълон қилиниши керакдир.

Деворий газета худди шунингдек қишлоқда бўлса, табиий унинг мундарижаси ҳам у ернинг шароитига қараб ўзгарилади. Қишлоқ деворий газеталари мутлоқо кимлар учун чиқарилишини ҳаммадан аввал ўзи очиб билиб олсин; Қишлоқ деворий газеталарининг тили ниҳоят даражада оддий бўлиш билан деҳқонларнинг ўзлари қандай сўзлашсалар газета ҳам шундай ёзсин. Қишлоқ деворий газеталарининг бўлимлари:

- 1- Шўро ҳукуматининг қишлоққа қараши,
- 2- Ҳосилотни қўп олиш,
- 3- Янги усул билан ер экиш,
- 4- Солиқ тўлаш масаласи
- 5- Ер мутахассисларининг кенгаши
- 6- Қишлоқда мактаб ишлари,

⁵² ёзилаберилади-ёзилаверади

⁵³ белгили ташкилотлар-маълум бир ташкилотлар

7- Соғлиқни сақлаш ,

8-Хотин-қизлар,

9-Капиратиф⁵⁴ ва бошқа масалалар тўғрисида, албатта ҳар сон газетада ёзилиб туриши керакдир. Мана шу айтганимиз бўлимлардан бошқа газетанинг имкони бўлса ҳар сониди, агар бўлмаса бир неча сонидан бирида ҳажвий (кулги) бўлим очиб, унга ҳар турли ҳажвий ёзилгон мақола ва шеърлар ва ҳикояларни ҳам юбориш керак.

- Деворий газета учун ҳажвий мақолаларни қандай ёзиш керак?
- Деворий газеталар чиқарадиргон ерларда ҳар турли қизик воқеаларнинг бўлиб туриши табиийдир. Мана шундай бир воқеанинг тубидан хабари бўлгон киши, шу хабарнинг кулгилик даражада эканлигини билдириш учун қизик қилиб ҳажвий мақола ёзса бўладир. Ҳажвий мақолани ёзиш учун хабарнинг мутлоқо кулгилик бўлиши шарт эмасдир. Жиддий бир нарса бўлғони ҳолда ҳам уни ҳажвий қилиб ёзиш мумкиндир. Деворий газеталарда ҳажвий мақолаларнинг кўп чиқиши унинг кўпчилик томонидан севилиб ўқилишига сабаб бўладир. Масалан ҳажвий мақолада биз, бир ишчининг ойлиқни олиш билан “фалонча ўзининг ойлиғини олгон замон уйига гўшт, мой ва унлар олиб бориб, бола-чақаси билан кайф қилиб ётибдир. Кўчаларда ичкилик ичиб маст бўлиб юришни ўзига уят биладир” деб сўзни бошлаб кетсак, табиийлик унинг ойлиқни олгон замон уйига майда-чуйда олиб бориш ўрнига, кўчаларда маст бўлиб юрганидан куламин. Мана шундай ёзув билан биз ундан кулмасак ҳам, кулиш тариқасида тузилишини кўрсатамиз. Бундай ҳоллар газетамиз чиқадиригон жойларда жуда кўп бўлиб турадир. Бундай бўладиргон воқеаларни биргина ҳажвий мақола қилиб ёзиш эмас, балки сочма шеър тарзида қилиб ёзиш ҳам мумкиндир.

⁵⁴ Капиратиф-кооператив (Матлубот кооперативи. Кооператив савдо)

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛ МАҚОЛАЛАРИ

Мақола ёзиб ўргана бошлагон ҳар бир ёзувчи, юқорида айтганимиздек, ҳаммадан бурун ёзиш учун керак бўлгон воқеа, ҳолни кераклик ҳужжатлар билан ўз қўлида мавжуд қилса керакдир. Чунки мақола ёзилгон киши айтганимиздек бир ҳол тўғрисида ўзининг хусусий фикрини кўпга билдирадиган, мутлоқо ундан чиққан фикрнинг кўпга маъқул бўлиб қолиши шарт эмасдир. Шундай бўлса ҳам ҳар бир ёзувчи ўзининг кўзлаган мақсадини қўлидаги ҳужжатлари билан кўрсатишга тиришиши лозимдир.

Иккинчи томондан қараганда, мақола ёзувчи, хусусан газеталарга жойларда кун сайин бўлиб турган ҳоллар, яхшилик ва ёмонлиқлар тўғрисида хабар ёзиб турувчи ишчи-деҳқон хабарчилари ўзларининг ёзадиган нарсаларини шундай ҳаводан олиб ёзмасликлари керак. Чунки хабарчи биргина воқеани билдириш билангина тўхталмасдан, шу бўлган воқеага ишчи ва деҳқон оммасининг назари диққатини у нуқтага торттирадиган.

Учинчи томондан қараганда, хабарни ёхуд мақолани ёзувчи ўзининг хусусий фикрини билдириш билан, ўз таклифини ўтказишни истайдир; мана шунинг учун ўз фикрини таклиф қилувчи киши мутлоқо таклифига далил бўларлиқ жавобларни, мақоласини газетага ёки журналга юбормасдан бурун тайёрлаб қўйиши лозимдир. Агар ёзувчи шу нуқтага аҳамият бермасдан олдиндан жавобни тайёрламас экан, албатта танқид бўлгонда танқид қилувчиға қарши ҳеч нарса ёзишни билмай қолади. Манабу нарса ёзувчининг бир масала устида керагича тўхталиб, текшириб ёзмаслигини кўрсатиш билан шу масала тўғрисида ўзининг кучсиз эканлигини очик билдирадиган. Ана шундай ёмон ҳолдан ҳар бир ёзувчининг қочиши керакдир.

Энди асосий сарлавҳамиз бўлгон газета ва журнал мақолаларига келсак бунда шунини айтиш керак:

Умуман газетага ёзиладиган нарсаларнинг энг кўп проценти хабарга тушадир. Ана шулардан кейин бироз ўрин мақолаларға ҳам берилади. Газеталарда чиқадиган мақолалар умуман турмушнинг кундалик оқимиға

қараб бурулиши керак. Чунки у мақолалар турмушда, ҳукумат ишининг боришида, деҳқончиликнинг кўтарилишида ва бошқа масалалар устида фикр юритиш билан уларнинг асоси бир йўл билан кетишини кўрсатадир, яъни қисқа сўз билан айтганда, газетада чиқадиғон мақолалар ҳақийқатан кунлик ишнинг бориб туриши устида бўлиши керакдир. Мана бундай нарсаларни энди журналда чиқариб бўлмайди. Чунки журналлар кун сайин чиқмайди. У журнал ойда, ўн беш кунда бир мартаба чиқади. Энди газеталар бўлса, кун сари ва ҳафта сари 3- 4 мартаба чиқади. Мана бундай вақтли матбуотнинг ойлаб ва кунлаб чиқишининг ўзи ҳам уларда ёзиладирғон мақолаларнинг қай тартибда бўлишини айтиб турибди.

Журналлар бўлса сиёсий, ижтимоий, илмий, адабий мавзуларда бўлиб, буларда ҳам умуман турмушда бўлиб турғон ҳолларни, воқеаларни ёзилади. Бироқ буларда шу ҳол- воқеаларнинг ўзларини ёзмасдан, уни бошқариш ишининг бориши, сиёсий ва ижтимоий тутқан йўлимиз, оламда фан ва илм ишларининг бориши ва илмда-фанда янги кашфиётлар ҳам бошқа адабий мавзулардан ёзилади. Манабу воқеалар кунлик ёхуд бир айтишлик бўлмасдан бу масалалар тўғрисида текширишлар, фикр олишлар бўлиб шуларнинг ҳаммасига журнал ўзининг бетидан ўрин беради.

Мана шунинг ўзидан маълум бўладирки, журналда босиладиғон мақолалар газетада босиладиғон мақолалардан фақат бироз фарқ қилади. Бу фарқ ҳам бўлса журналда босиладиғон мақолаларнинг биринчидан илмий ва фанний бўлиши, иккинчидан бўлса кун кўришда майдонга келган етишсиз ва етишмасликларни бошқаришда тўғри ёки нотўғри йўл олинганлигини белгили (маълум) бир йўл билан кўрсатиш ва танқид қила бошлашдан иборатдир.

Шунинг учун ҳар бир кўлига қалам олиб бирор мавзуда ёзиш ниятини қилғон киши гарчанд мақоласининг кимлар ва қайси тоифа учун ёзилишини назарда тутиш устига, газета учунми ёки журнал учунми ёзилишини ҳам албатта эсларидан чиқармасликлари керакдир. Чунки ёзувчи ҳаммадан бурун ёзадиғон нарсасини қайси хил босма сўзда чиқишини билиб олса, у мутлоқо

шунга қараб ҳам интиладир. Масалан бир киши “Капиратсия ишининг бориши” деган сарловҳа билан мақола ёзса буни албатта журналда чиқариб бўлмайди. Агар ёзувчи “Капирациянинг чиқиши” деб ёзса буни албатта журнал босадир.

Мана шуларга қараб ёзувчи ўзининг мақоласи учун анча нарсани ахтаради⁵⁵. “Капирация ишининг бориши” деб ёзувчи, бўлиб турғон ҳолларни ёзиш билан олдиндан ҳужжатлар топади. “Капирациянинг чиқиши” деб ёзувчи шу мавзуга оид бўлган бутун асарларни ўқуш билан⁵⁶ капирациянинг чиқиб келиш тарихини текширади. Мана бунда биринчидан мавзунинг икки турли бўлиш билан яна икки турли вақтли матбуотда мавзуларга қараб чиқади.

Шундай ҳол ўзбек матбуотида ҳам кўпгина кўриниб туради. Чунки кўп вақт газета учун ёзилган нарсани журнал идорасига ва журнал учун ёзилган нарсани газета идорасига юборадилар. Бу албатта ёзувчиларимизнинг керагича қандай мақоланинг газетада ва қандай мақоланинг журналда чиқишлиғи тўғрисида маълумотсиз бўлганликлари учун бўлса керак деб ўйлайман.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ШЕЪР ЁЗИШ ЙЎЛЛАРИ

Бизда қофия ва вазн тартиби билан ёзилиб, белгили⁵⁷ бир шаклга келтирилган ҳар бир сўз уюмига “Шеър” дейиладир. Бунга мисол бўлсин учун атоқли шоир ва адибимиз “Фитрат” нинг “Миррих юлдузига” деган шеърдан икки парча келтирамиз:

Борми сенда бизам⁵⁸ каби инсонлар;

Икки юзли иш бузарлар –шайтонлар;

⁵⁵ Ахтаради-қидиради, излайди

⁵⁶ Ўқуш билан -ўқиш билан

⁵⁷ Белгили- маълум бир

⁵⁸ Бизам каби- бизлар каби

Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин қонмай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксуз-йўқсулнинг қонин,
Гурунглашиб чоғир⁵⁹ каби ичканлар
Борми сенда бутун дунё тузугин-
Ўз капчуғин тўлдирғали бузғонлар?
Борми сенда бир ўлганни ёндириб-
Ўз қозонин қайнатувчи хоқонлар?
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида-
Элин, юртин, борин-йўғин сотқонлар?...
(“Ўзбек ёш шоирлар” дан)

Фитратнинг шу шеъри-айни юқоридағи қофия ва вазн тартиби билан шеър ёзиладир деган фикримизга далил бўла олади. Чунки бу сўз уюми сўзларнинг бир-бирига ўхшаш келиш, қофия ва вазннинг жой-жойига тушушларига ниҳоят даражада аҳамият берилгандир. Бунинг устига яна сўзда бўлгон турлук бўғум ёки сўз орасидағи тўқтамларнинг саналишда бир-биридан ошиқ бўлмасликларига ниҳоятда диққат берилгандир.

Бу турли шеър ёзишдан бошқа яна тизим йўли билан шеър ёзувчиларимиз бордир. Булардан, айниқса, Элбекнинг тизма шеърлари кўпдир. Сўзлар ва атамалар бир ўлчов ҳам тизилиш тартиби билан ёзиладирғон бўлса, у вақтда уни “Тизим” йўли билан ёзилгон шеър дейиладир.

Элбекнинг “Кучсизлар дунёси” деган тизма шеърдан:

Туркистоннинг қоронғи бир пучмоғида⁶⁰,
Катта эмас кичик гина бир ўнгур⁶¹да,
Кўпдан бери икки киши турар экан,
Йўқсулликда бирга умр сураар экан;

⁵⁹ Чоғир-шароб

⁶⁰ Пучмоғ—овлоқ, хилват жой

⁶¹ Ўнгур—тепалик, довон

Буларнинг туб ерлари шунга яқин-
Бир кишлоқда бўлгон экан илгарида
Булар шунда кўп гина вақт умр суриб,
Ўсканларкан бурун шунда ўйнаб кулиб,
Бирок “Ўзмиш” қўймағач ҳеч буларни тинч,
Юртни ташлаб қолгонларкан бунда туриб.
Ўзларидан сўнгра юртни алла кимлар,
Ўз ерида қўлда тутиб юрутканлар.
Унга қарши булар ҳеч сўз айтаолмағач,
Борғон билан юртни қайтиб ололмағач,
Қочиб келган экан булар ночорликдан,
Чорасизлик ҳам ундаги ёвузликдан...
(Элбекнинг “Армуғон”дан)

Бу ёзилган шеър энди, албатта, тизим йўли билан ёзилгон шеър ҳисобланадир. Чунки бунда шоир томонидан ортиқ санъат ва ортиқ куч сарф этилмайдир. Фақатгина сўзларни тизма йўли билан уюштириб борадир.

СОЧМА ТАРТИБИ БИЛАН ШЕЪР ЁЗИШ

Шеър, уни уюштирадиргон сўзлар ва атамалар маълум бир оҳангга боғланмай, маълум бир ўлчов билан ўлчанмай, тарқоқ ва сочма тариқасида ёзилар экан, унга сочма тартиби билан ёзилган шеър, деб юритиладир. Бунга мисол учун атоқли шоиримиз “Чўлпон” нинг “Йўлда бир кеча” деган сочма асаридан бунда бир парча кўчирамиз:

“...адирдан тушиб адирнинг шундоққина тагидаги кишлоққа кириб
борамиз. Чегара жойлардаги иморатлар, ҳавлилар бузилгон.... бўш-вайрон
кўриндилар. Илгари жуда обод бўлгон гузардан қароул Тохтасиннинг хафа-
хафа узулган товуши эшитилди. Ёмон, лой йўллар билан бир-икки
кишлоқдан ўтдик-да, катта адрға тирмаша бошладик.

Қишлоқларда кимирағон жон йўқ, ҳамма уйқуда, ҳамма хонада жон бор, одам бордек кўринадир. Лекин “Хона жойларнинг бўш бўлгонлари, эгасиз-кимсасиз қолгонлари ҳам кўп” дейдирлар. Томларға босилган беда, макка ва ғўра поялар ёнларидан ўтканда Аллоҳ қандай хаёлий шакл кўрсатадирлар. Гоҳ дев бошидек, гоҳ албасти тўдасидек, гоҳ ухлагонларни масхара қилиб кулган хаёли бедордек, гоҳ дарахт бошида ухлаб қолгон бир тўп қаргадек кўринадир. Ҳолбуки қишлоқнинг бутун умиди, тасаллиси, бойлиғи, бор-йўғи шу бир ғарам поя!...”

АДАБИЁТ ОҚИМЛАРИ

Румантизм оқими- бу оқим билан юргувчи шоирлар санъатни турли воқеалардан озод дейиш устига уни “истак ва туйғуни онгдан ҳам тажрибадан юкори даражада турадир” деб ўйлайдирғон маънавийонлик (идийализм) оқими орқасидан юрган бир оқим бўладирлар. Бу оқим билан юрган шоир ва адиблар шеърни “фалсафа билан диннинг қўшулишидан иборатдир” деб ҳисоблайдирлар. Бу шоирлар дунёни севадирлар. Ўзларининг туйғу ва илҳомлариға катта аҳамият берадирлар. Улар ўзларининг шеър ёзишларини турмушдан ва тирикчиликдан олдиқ ва оламиз демайдирлар. Уларнинг фикрлари ва ишончлари ундадир, ки “шеър ёзиш илҳомининг келиши ва келмаслиғиға боғлиқдир”. Яна уларча шоир бўлишнинг ўзи ҳам “азалдан пешонаға ёзилғон” бўлар эмиш. Бу йўлда юрган шоирлар ниҳоят даражада дунёдан норози, ҳар бир майда масала устида ўзининг юрагини эзган, иккинчи сўз билан айтганда йиғлоқ шоир бўладирлар.

Мана бу оқим билан юрган шоирлар ўзбек адабиётида ҳам кўпгина учрайдир. Даъвомизга исбот бўлсин учун қуйида бир-икки шоирларимизнинг шеърларидан намуна келтирамыз: Фитратнинг “Аччиғланма деган эдинг” шеърдан:

Тилакларим, армонларим, шеърим-

Кўмилсинлар керакмас менга;

“хаёт” деган кирли қопқон борсин-

Парчалансин, битсин, йўқолсин!

Бироқ, сен... ким-хаёлингга руҳим-

Талпинадир, яша, бор бўл туташ!

(“Ўзбек ёш шоирлари”)

Чўлпоннинг “Созим” деган шеърдан:

Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганмен,

Улфат диёрига маскан қурганмен.

Юзимни ўт эмас, гулга бурганмен,

Самовий завқларга тўлиб турганмен

Булбуллар севгини мақтаган дамда...

(“Тонг сирлари”дан)

Фитратдан олган парчамиздан, шоирнинг севганига қандай берилиб, ҳаёт ва тирикчиликнинг бўлишига нафрат қилгани билиниб, севганини мақтагани маълум бўладир. Шунинг билан шоир ўзининг юрагига тасалли берадир.

Чўлпон бўлса сознинг мукиллағанлигидан эриб, “тириклик ўлкасидан юзимни буриб гулга бурганмен” деб, тириклик дунёсини ўт ҳисоб қилади-да, ўзининг юз ўтурсан томонини гул деб биладир.

Мана шу парчаларнинг ўзи бизнинг юқоридаги айтганимиз румонизм оқими орқасидан юрган шоирларни очиқ кўрсатиб берадир.

Риялизм оқими- бу оқимнинг мақсади тирикчиликни ва ҳаётни ўзича тасвир қилиш, тирикчиликда майдонга отиладиган ҳолларни аслича ўрганиб, ўрганиш орқасида юрган шоирлар адабиётнинг риялизм (ҳақиқийлик) оқими аъзолари бўладирлар. Бу йўл билан борадиган шоирларимизнинг шеърларидан ҳам мисоллар олайлик, ўрнаклик шоиримиз “Боту”нинг “Уйғониш” деган шеърдан:

Яшашнинг ингичка таноби-

Кетманлар тебраткан қўлларда

Ёш, қари кўзларнинг қараши-

Ўроқлар из солғон йўлларда.

Ўроқнинг оқ юзин занг босса
Эл кунгли мотамга ўралғай;
Кетманнинг қирғоғи қайрилса-
Ўт ёнғон кўзларга ёш тўлғай...
("Адабиёт парчалари")

Шоиримиз "Боту"нинг шу шеъри ўзи турмушнинг энг муҳим ўрнидан олиниши билан деҳқонларнинг тирикчиликда тинмасдан ишлашларини ҳам деҳқоннинг ўз билагига қандай ишончлар туғдирганлигини махтайдир⁶². Шунинг билан умумий деҳқонни белгили⁶³ бир йўлга қараб юришга чақирадир. Демак, бу оқим билан борадирғон шоирлар, румантизм оқими билан борадирғон шоирларнинг йўлдоши ва фикрдошлари эмаслар.

Футуризм оқими- бу оқим билан борадирғон шоирлар, айтиб ўтганимиз оқимларга қараганда бошқа бир йўлни тутадирлар. Буларнинг асосий мақсадлари табиатда бўлғон гузалликларни тўғридан-тўғри меҳнат билан боғланишли бўлғон кучларни, кишиларни ва мошиналарни ҳам тасвир қилиб махташдир. Булар ўзларининг бу оқим билан кетишларини тан оладирлар ҳам адабиётни янги бир қоида остига олиб кетишни истайдирлар. Бу футуризм оқими билан юрган ёш шоиримиз Олтойнинг "Қишлоқ-деҳқон-газет" деган шеърини намуна учун бу ерда кўчириб ўтамыз:

Қишлоқда ўйнаган-
Деҳқон болалар,
Чорикни судраган-
Коранда эрлар;
Кетман кўтарган-
Деҳқон болалар-
Экин ичида,

⁶² Махтайдир-мақтайди

⁶³ Белгили бир йўл-маълум бир йўл

Сувнинг бўйида-
Ёнбошлаганлар.

Газета ёзган,
Дехконлар учун,
Қишлоқлар учун-
Фойдалиқ сўзлар

Кетманни мақтамай-
Экинни кўқарткан,
Чўлларни суғорган-
“Янги замонлар”⁶⁴

Деди бир киши;
Ҳамма тикилиб,
Қулоқни солиб,
Диққатни бериб-
“Ҳа, рост дейсан” деди

Қаердан билдинг-
Бу яхши сўзни?
Айтди у киши-
Дехконлар учун,
Газетдан билдим...!
Газетдан билдим...!
(Олтойнинг “Ёр юлдузлари”дан)

⁶⁴ “Янги замонлар” - янги мошиналар маъносида

ШЕЪРНИ ҚАНДАЙ ЁЗАДИРЛАР?

Янгигина шеър ёзиш учун уруна бошлагон ёшлар, ҳаммадан бурун шеър ёзишнинг асосий қоида ва тартибларини яхши билиб олсинлар учун шоирларимизнинг шеърларини қандай ва қайси тартиб билан ёзгонликлари тўғрисида бироз тўхталамиз. Бунда шеър ёзиш тартибини ўрганиш ва уни амалий ишлатиш осон бўлсин учун бармоқ вазни ва вазнсиз ёзилгон шеърлардан мисоллар олишқа тўғри келади.

БАРМОҚ ВАЗНИ

Бармоқ вазни бизнинг ўзбеклар учун миллий вазндир. Бунинг асоси-сўз бўғимларининг саноғидир. Бу вазн билан ёзилган шеърнинг биринчи хати⁶⁵ қанча бўғим бўлса, иккинчи хати ҳам шунча бўғим (хижо) бўлади. Бу вазн билан ёзилган шеърда ҳарф чўзгиларининг бўлиш-бўлмасликлариға аҳамият берилмайдир. Агар биз бир байтни ёзмокчи бўлсак ҳаммадан бурун биринчи хатини ёзамиз-да шуни сўз бўғимлариға қараб бармоқ билан санаб чиқамиз. Ҳам саноғимиз биткандан кейин яна иккинчи хатини биринчи хатда қанча бўғим бўлса шунча ёзамиз. Бу тариқада шеър ёзишни бармоқ вазни билан ёзилган шеър дейиладир. Биз Ботунинг:

Ёш юрак қийналса-да.

Ҳеч умидсиз бўлмағай ;

Йўлида ўт бўлса-да,

Ортқа ҳеч бир қайтмағай

Шеърини бўғимларға бўлмокчи бўлсак;

Ёш-ю-рак-қий-нал-са-да =7

Ҳеч-у-мид-сиз-бўл-ма-ғай =7

Йў-ли-да -ўт -бўл-са-да =7

Орт-қа – ҳеч- бир- қайт-ма-ғай =7

⁶⁵ Хати-қатори, сатри

Ботунинг юкоридаги бир парча шеърини шу йўл билан (бармоқ вазни билан) ҳисоблаб чиққанимизда, унинг бармоқ вазни билан ёзилгани маълум бўлиб, яна бармоқ вазнининг еттилик сулумидандир. Чунки бармоқ вазни билан шеър ёзиш ўн олти бўғимғача бўлиши мумкиндир.

Шоиримиз Чўлпоннинг ўн беш бўғим билан ёзган қуйидаги шеърини оламиз:

Эй! сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!

Эй! устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,

Эй! бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган,

Кўзларингни заҳарлатиб, ўйнатмағил-бас энди!

Бўғим килиб ўқуғонимизда:

Эй- сен- ме-ни ҳа-қир кўр-ган, ту-бан де-ган а-фан-ди =15

Эй- ус-тим-да бир у-мр-га хў-жа бўл-моқ ис-та-ган =15

Эй- бўй-ним-га ки-шан со-либ ҳа-ло-кат-га суд-ра-ган =15

Кўз-ла-ринг-ни за-ҳар-ла-тиб, ўй-нат-ма-ғил-бас эн-ди =15

Чўлпоннинг бу шеъри бармоқ вазни билан ёзилиб, бармоқ ҳисобида ўн бешликдир.

ФУТУРИЗМ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбек адабиётида футуризм оқими билан бормоқда бўлгон шоиримиз Олтойдир, деб юкорида айтиб ўтган эдик. Бу ерда футуризм йўли билан шеър ёзиш устидагина тўхталиб ўтамиз. Олтой футуризм йўли билан ёзган шеърларидан намуна:

Бу кун пролетар маҳкам = 8

Чунки унинг В. К.Ф. си бор = 9

Бу кун дунё инқилоби яқин = 10

Чунки коминтарнанинг таъсири зўр = 11

8 йил давр сурган = 7

Йўқсуллар ҳокимлиги = 7

Биргина русийа юзида = 9

Бўлган бўлсада	= 5
Унинг таъсири	= 5
Дунёга тарқалди	= 6

Мана намуна учун Олтойнинг футуризм йўли билан ёзган шеърини олиб кўрдик. Уни бошқа шоирларимизнинг ёзган шеърлари билан тузулиш жиҳатидан солиштириб кўрганимизда, улардан бутунлай бошқачадир. Агар уларники бармоқ вазни билан ҳисобланиб, шеърнинг биринчи хати⁶⁶ 10 бўғим бўлса, 2-3 нчи ваҳоказо ҳаммаси 10 тадан бўлиши шартдир. Олтойники бўлса ундай эмас, бунинг учун шеър ёзишда уни ҳисоблаб ўлтириш қоида эмасдир. Бу йўл билан шеър ёзувчи ҳаммадан бурун ўзининг шеърини осон ёзиш учун қанча тиришса, яна ўқувчиларга ҳам шунча осон бўлишини назарга оладир. Демак, бу қоида билан шеър ёзиш ҳар жиҳатдан адабиётда бўлган бошқа оқимлардан айриладир.

ШЕЪРГА МАВЗУ ТОПИШ

Умуман, адабиётда ёзиладиган нарсалар мавзусиз бўлмайди. Ва шунингдек мавзунинг топилши ҳам ўзи аҳамият даражада қийин бир ишдир.

Бизнинг юқорида айтганимиз адабиётда бўлган ҳар турли оқим билан кеткувчи шоирлар ўзларининг шеърларини ёзишда бошқа-бошқа йўл тутадилар. Масалан, румантизм оқими билан ёзувчилар ўзларининг шеър ёзишқа урунишларини илҳомнинг келиш-келмасликига боғлайдилар. Улар мавзуларини ўзларининг истаган ва хаёллариға келган нарсаларидан оладилар. У мавзунинг турмушга боғланишлик ва ёхуд боғланишсиз эканлигига эътибор этмайдилар. Ва уни тасвир этишда ўзларининг хаёллариға келган нарсаларни ёзаберадилар.

Риялизм оқими билан борувчилар айни замонда меҳнаткаш ва деҳқоннинг турмушида-бўлиб турган ҳолларни тасвир этиб, ҳам унга турмушдан чет фикр ва хаёлларни қўшмайдилар. Ўзларининг мавзуларини

⁶⁶ Хати-сатри

бўлса илҳом орқалиқ эмас, балки шу кун кўришимизда майдонға чиққан масалалардан оладирлар.

Мана биз юқорида адабиётда қандай оқимларнинг борлиғи, у оқимларнинг асосий мақсадлари, ҳар бирининг шеър ёзишда тутқан йўллари, охирда мавзунини қайдан олишларини баён қилиб ўтдик. Эндиги вазифамиз қисқагина қилиб эндигина шеър ёзишқа уруна бошлаған ёшларға белгили шартларни кўрсатиб ўтишдан иборат бўлур.

Шоир бўлишқа урунувчилар биринчидан ўзларида шоирлиққа бир даража иқтидор сезсинлар; иккинчидан китобнинг бошида айтганимиздек, ўзларида бўлган иқтидорлиқни кенгайтиришга ва чуқурлатишқа тиришсинлар; учинчидан, ўз она тилларида бўлган адабиётлар билан яхши ошно бўлсинлар; тўртинчидан, бошқа тажрибалик ва уста шоирларнинг ёзганларидан ўрнак олсинлар; бешинчидан, энг охирда ўзларининг бир масала тўғрисида олган мавзуларини ўзларига барқарор қилиб, ёзадирган фикрларини учинчи бўлимнинг бошида кўрсатганимиз шеър ёзиш тартиби билан истасалар шеър, истасалар тизма, истасалар сочма тариқасида ёзаберадирлар.

Мана энди бўлғуси шоирлар ҳаёлий фикрларга берилмасдан турмушга тўғридан-тўғри боғланиш бўлган тўғри йўлни оларлар-да, усталиқ билан танилган шоирларимиз Фитрат, Чўлпонлардан шеърни қандай ёзиш, сўзга қанчалиқ бой бўлиш ва шеърға санъат ишлатишни ўргансалар фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ҲИКОЯ ЁЗИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳикоя ҳам ўзининг мақсад жиҳатидан мақола ва шеърға ўхшайдир. Мақолада кунлик турмишимизда майдонға чиққан ҳол ва воқеалар тўғрисида

сўзланиб, кўпчиликни белгили синф мафкураси⁶⁷ орқасидан эргаштирадирган бўлса, ҳикояда ҳам худди шундай ҳолни кўрамиз.

Мақола ёзувчи томонидан айтиладирган фикр ўзича кўпчиликка баён этиладир. Ҳикоя бўлса бундай воқеа ва ҳолни тўғридан-тўғри айтиб бермасдан, балки шу воқеага боғланиши бўлган масалаларни бирма-бир воқеа орасида тасвир этадир. Демак, ҳикояда мақоладек бирданига қилиниши керак бўлган масалани қўндаланг қўйилмайдир. Фақат бунда масала кенг равишда қўйилиб, яна кенг ва осонлиқ билан ҳал қилинадир.

ҲИКОЯ НЕЧА ТУРЛИ БЎЛАДИР?

Ҳикоя ўзининг ёзилишига қараб тўрт туркумга бўлинадир: биринчи, ҳозирги замон ҳикояси, яъни ҳозирги кун кўришимизда бўлиб турган воқеа ва ҳодисаларни қисса қилиб берадир; иккинчи ўткан замон ҳикояси. Бу маълум одам болаларининг бошларидан кечирган ҳолларини қисса қилиб ёзадир; учинчи келгуси замон ҳақида-келгуси замонда қандай кун кўриш, қандай техникага эга бўлиш ва нималар қилиш тўғрисида ёзиладир. энг охирда тўртинчи ҳаёлий ҳикоя-бу турли ҳикояда ёзувчи бўлиши мумкин бўлмаган воқеаларни олиб, ўзларининг фикр ва ҳаёллариға келган нарсаларни ёзадирлар. Бу турли ҳикоя ёзишга ҳикоя дейиладир.

ҲИКОЯНИ ҚАНДАЙ ЁЗИШ КЕРАК?

Бунинг учун энг муҳим аввало ҳикоя ёзиш учун маълум мавзу топиш, мавзунини топиш билан уни ўзининг бўлганидек қилиб ўқувчиларға ҳикоя қилиб бера билишдир. Яъни бир мавзунини ёзишни ўйлаган ёзувчи ҳаммадан бурун ҳикоянинг қандай жойидан бошлаш масаласига тўхталадир.

Бундай масала устида кўп яхши ҳикоя ёзувчилар ҳам хато қиладирлар. Шунинг учун ёш ёзувчилар ўзларининг ёзадирган ҳикояларининг энг муҳим

⁶⁷ белгили синф мафкураси- маълум бир синф мафкураси

ва қизик жойини олиб бошласинлар. Агар бундай қилсалар ҳикояни ўқуш (ўқиш) учун тутинган кишилар ҳикояга қизикадирлар ҳам натижада ўқиб чиқишга мажбур бўладирлар. Масалан, биз ҳикоямизнинг мавзуини хотин-қизлар турмишидан олиб, бир деҳқон қизнинг ўзи истамаган эрга берилгани тўғрисида ёзмоқчи бўлсак-энг аввал, ҳикоямизда қиз онасининг қандай киши бўлиб, унинг қандай тирикчилик қилиши, қишлоқда унинг обрўси, қизини истамаган кишига эрга беришининг сабаби (масалан пулга муҳтож бўлғони учунми ёки қариндош бўлғони учунми ва ё урф-одат бўйичами?) буни албатта, ёзувчининг текшириш натижасида очиқбилиб олиши керак.

Иккинчи томондан, қизга тўй келиши, қизнинг тўй бўлаётган вақтда ҳам отасининг қилган ишига норози бўлиб дами ичида “пешонага ёзилгани шу экан-да” деб бахтига тан бериб ўлтириши, тўй бўлиб бола-чақа, қари ва ёшларнинг шодлиқ вақтларини ўтказмақда бўлганларини ҳам қизнинг кўзини ёшлаб ўлтирғанини тасвир қилиш керак⁶⁸.

Учинчидан, тўй битиб, қуявникига қизнинг узатилганлигини ва севмасдан чиққан эри билан ёмон кун кечирмақда бўлганлигини ёзиш керак. Ана шу тариқада эр-хотин орасида бир-бирларига меҳрибонлик бўлмаганлиги учун турмушларининг аччиқ зардоб билан ўтишини тасвир қилиб, натижада қизларни зўрлаб эрга беришнинг зарарини, иложи бўлса юқоридағиларнинг қўшнилари томонидан булар тўғрисида сўйланадирган сўзларини ёзиш керак. Агар шундай мавзуни олиб уни яхши ёмон айта олсак, албатта турмушда бўлиб турган ҳоллардан бирини кўрсатган бўламиз.

Ёза бошлаган ҳикоямизда бошдан оёғигача бир йўлнигина олиб кетамиз. Чунки ҳикоянинг энг яхши чиқиши ёзувчининг бўлиб турган ҳолни усталиқ билан тасвир қилиб бера олишига боғлиқдир.

Юқорида айтганимиздек, ҳикоя ёзиш учун мавзулар кўп. Бироқ у мавзуларни турмушда худди ўзидек қилиб кўпчиликка тушунтира билиш зарурдир. Ва кераклик мавзулар олиб ҳикоя ёза бошланганда бир томондан ҳикоянинг услубига (тилига), жумла тузулишларига, яъни жумлаларнинг

⁶⁸ Тасвир қилиш керак- тасвирлаш керак

қисқа —қисқа бўлиб ҳар ким тушинарлик даражада бўлишига аҳамият бериш керак ва лозимдир. Айниқса, янгидан ҳикоя ёзишқа уруна бошлаган ёшлар шу нуқталарга ниҳоят даражада аҳамият берсинлар. Шундагина ҳикояни ҳар ким ҳам севиб ўқийдир.

ҲИКОЯ ЁЗИШДА МУҲИМ НУҚТАЛАР

Янги ҳикоя ёза бошлаган ёшларга бизнинг берадирган маслаҳатларимиз: биринчидан, ҳаммадан бурун ёзиш учун муҳим мавзунни топиш керак. Бу мавзунни ҳикоя қилиб бериш учун ёзувчи мутлоқо ўз кўзи олдига шу мавзуга доир расмларни, кўрунишлари келтирсин. Иккинчидан, қиссанинг энг муҳим жойидан тутиб бошласин. Агар ёзувчи ўзининг қиладирган ҳикоясининг муҳим еридан тутиб бошлай олмас экан, ундай ҳикояни қўлга олиб ўқумокқа бошлаган киши “қизик эмас экан” деб ташлашқа⁶⁹ мажбур бўладир.

Учинчидан, шуни ҳам эсдан чиқариш керак эмаски, қиссанинг бошида ҳикоядан кузатилган мақсадни айтиб қўйиб, ундан кейин қиссанинг яхши чиқиши ва мақсадни тасвир ҳам мисоллар билан айтишга кўмакчи бўлиб келадирган далилларни энг охирига келтирмасдан, ўқувчиларни албатта энг охиригача ўкутиб келиш зарурдир. Мана бу тариқа ҳикоя ёзилса, албатта уни ёзган киши уста чиқади. Иккинчи бир турли айтканда ундай ёзувчи ўқувчиларни ўзининг ҳикояси орқасидан эргаштирадир.

Тўртинчидан, ёзувчи қиссани бошлаганда уни бир неча бўлимларга бўлиш керак. Ҳар бир бўлимнинг бошидан то охиригача мақсадга ёрдамчи бўлиб келадирган сўзларни ва тасвирларни албатта айтиб қолиш керакдир. Айни бошлаган бўлимнинг охирига келганда ўқувчиларни “ҳозир мақсад чиқиб қолар” дейиш даражасига келтириш лозимдир.

⁶⁹ Ташлашқа-ташлашга

ҚАНДАЙ ҲИКОЯ ЁЗИШНИ БАРҚАРОР ҚИЛИШ КЕРАК?

Ҳикояни ёзишдан аввал энг катта бир масала бўлса у ҳам ёзувчининг қандай ҳикоя ёзишни ўзига барқарор қилиб олиши устидадир. Ёзувчи ўзининг фикрида тирикчиликда бўлиб турган ҳақиқатларними ёки ҳар турли киши хайрон қоларлиқ воқеаларними, турмуш билан боғланғон кишиларнинг бошларидан ўтказмакда бўлган ҳоллариними, ё бўлмаса, турмушда бўлган бирорта воқеани кулги қилиб ҳикоя ёзишми ёки келгуси турмуш тўғрисидами, албатта шуларнинг бирини ёзувчи ўзига барқарор қилиб олгандан кейин ёзишқа киришади. Ёзувчи ўзининг ҳикоясида ҳозирги замон қиссасини қилиб, деҳқонларнинг янги даврга қадам босиб, ўт, омов ёки темир омов билан ер ҳайдашини бизга ҳикоя қилиб бермакчи бўлса, у албатта, “фалон деҳқон фалон вақтда буғдой эки, буғдой пишкандан кейин бир окшомда ўзидан-ўзи ўрулуб қолди” деб ёза олмайди. Ана шундай ёзадирган бўлса, у ёзувчи ҳақиқатан ҳозирги замондан узоқ турган ва деҳқоннинг ишига иши тушмаган киши бўлиб ҳисобланади. Чунки ҳозирги замон ҳикоясида кўриниб ва қилиниб турган воқеа ҳам ҳоллардан бошқа нарсалар тўғрисида ёзиш демак-ўзи турмушдан узоқ дейишдан иборатдир.

Ёзувчи ўзининг ёзадирган нарсасига аралашадирган кишиларни сўзи учунгина эмас, балки унинг таърифини қилиб бериш ва суратини уни билмаган, кўрмаган кишиларга чизиб танитдириш учун мутлоқо улар билан яқиндан ошно бўлиш лозимдир.

Ҳикояда уларнинг тилларини ҳам ёзувчи ўзининг истаги бўйича тузуб кетавериш бўлмайди. Худди шунингдек, ишчиларнинг кўп ишлатадирган сўзларини деҳқон сўзлайди, деҳқонларнинг ишлатадирган сўзларини зиёлилар ишлатади, деб бўлмайди. Бунинг учун ким бўлса ҳам бунга аралашар экан, ёзувчи у кишининг ўзида бўлган алоҳида-алоҳида хусусиятларни ўзларигагина махсус қилиб кўрсатишга ҳаракат қилсин. Кўп вақтда ҳикояда четдан ҳам ҳар турли овозларнинг бўлиб қўйиши, буларга ҳам алоҳида аҳамият бериб ҳикоянинг қандай ерга келганда четдан овозлар

келса мумкин. Ҳеч бир вақтда бир оғиз сўз ҳам ўринсиз айтилмасин. Яна шунга ҳам аҳамият бериш керак, ким ёзувчи ҳикоянинг бошидан оёғигача бир ёки икки кишинигина сўзлатиб қўймасин. Ҳал бўладирган масаланинг ечилишига қараб сўзлар ҳам ўзгара борса яхши бўладир. Агар ҳикоячи ҳаёлий воқеалар тўғрисида ёзар экан, у албатта, бутун аралашадирган кишиларга баробар сўзни бўлиш ҳам мумкин қадар уларни адабий сўзлар билан қуроллантириш керак.

Айтайлик, ёзувчи ҳикоя ёзмоқчи бўлса, энди бунда аралашувчиларнинг орасида сўз ҳам уларнинг тутқан роллариға қараб қуриладир. Бунда ҳар бир сўзланадирган сўз мумкин қадар турли пичинг ва иккинчи маъно англашиладирган сўзлардан иборат бўладир; ёзувчи киши худди турмуш ҳикоясини ёзганида айни ҳақиқатларнигина ёзганидек, кулги ҳикояни ёзувчи ҳам турмушдан йироқ туриб кулги нарсa ёза олмайди. Чунки бу ҳам кунлик турмушимизда бўлиб турган воқеа бўлиб, ҳаёлий нарсa эмасдир.

ҲИКОЯ ҚИСКА БЎЛИШИ КЕРАК

Нима учун қиска ва кичкина ҳикоя ёзишқа ўрганиш керак деймиз? – бунинг асосий сабаби, биринчидан, кичкина ҳикояни ёзиш катта ҳикояни ёзишдан қийиндир. Агар ёзувчи бу кун ҳикоясини ёзиб, уни бир неча кун ётқизиб, сўнгра тағин ўқиб чиқса, яна ортиқча ерларини олиб ташлаб, керакли ерларига қўшиш мумкин бўладир.⁷⁰ Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳикояни ёзиб бўлгандан кейин қанча кўп ўқиб чиқилса, шунча яхшилана борадир. Бу нарсaга, албатта, янги ёзабошлағон ёшлар амал қилсалар керак.

Ҳикоянинг катта ва кичиклиги, тахминан олганда, газета хати (сатри) билан 500 дан то 1500 гача бўлиши мумкиндир. Ёзувчи, фараз қилдик ҳикоясини 1500 хатча ёзган. Бизга 700 хатлик ҳикоя керак. Бу вақтда энди ёзувчи аввалги ёзган ҳикоясини янадан⁷¹ ўқиб чиқади-да, жуда зарур бўлган

⁷¹ Янадан ўқиб чиқади-қайтадан ўқиб чиқади

ерларинигина қолдириб, кўп аҳамиятга эга бўлмаган ерларини ташлаб кетаберадир⁷².

Масалан, ёзувчи қиссадаги қаҳрамонни “бу кун қир бошига чиқиб келди” деб қирнинг ҳикояга ҳеч бир боғланиши бўлмаса ҳам тасвир қилган. Бу тўғри эмас. Агар ёзувчи ҳикоясида қир бошининг гўзаллик ёки яхши ҳаволи эканлигини тасвир қилмоқчи бўлса, бунда албатта ёзиш лозим. Яна ҳикоя қаҳрамони уйига келса, уйи қоронғи ишлаб бўлмайди. Бироқ унинг уйига келиб ишлаши керак эди, шунинг учун у- уйни ташлаб меҳмонхоналарга суҳбатга кетади. Демак, бунда қаҳрамоннинг ишлаши учун моне бўлган уйнинг қоронғилиги албатта тасвир қилина олади.

Мана шунингдек қоидаларга амал қилинганда ҳикоянинг кичкина ва англаниши осон бўлиб чиқади. Ҳам унинг кўпчилик томонидан тезлик билан ўқилиши⁷³ шу билангина таъмин этилган бўлади. Манабу нарса ҳикоя ёзувчиларнинг эсларидан чиқмасин.

СЎЗ ЎХШАТИШЛАРИ

Ёзувчи ўзининг ҳикоясини жуда чиройлик ва гўзал қилиб чиқармоқчи бўлса, мутлоқо одамларга ёки бошқа ашёларга сўз ўхшатишларини кўп ишлатиб ўтади. Масалан, ёзувчи бир чўпоннинг чўтур эканлигини бошқа бир сўз билан ўхшатмоқчи бўлса “Фалончи чўпоннинг юзи қора майда дори сепиб қўйгандек” дейди. Бунда ўқувчи, албатта, чўпоннинг қора бўлиши билан юзининг чўтур эканлигини ҳам билиб олади. Ёки бир қизнинг қоши, кўзи қопқора эканлигини айтмакчи бўлса “Фалончи қизнинг қоши, кўзи қопқора қаламга ўхшайди” деб унинг қоши билан кўзини қоралиқда махтайдир⁷⁴. Яна бир қизнинг юзини қизил, деб тасвир этмакчи бўлса албатта “Фалон қизнинг икки юзи қип-қизил анорға ўхшайди” дейди. Бунда энди

⁷² Ташлаб кетаберадир-ташлаб кетавереди

⁷³ ўқилиши-ўқилиши

⁷⁴ Махтайдир-мақтайди

қизнинг юзини қизиллиғи учун бошқа нарсага баробарлар⁷⁵ ниҳоят даражада мақтаган бўладир. Буни сўзни бошқа турли қилиб ўхшатиш деб айтамыз.

КИШИЛАРНИНГ ИСМЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИР?

Ҳикоя ёзувчи ўз ҳикоясининг мундарижасига қараб унга ишлатиладирган ҳар турли ашё ва бошқа нарсаларнинг исмларига ҳам кўпгина аҳамият беришлари лозим. Чунки кўп вақт ҳар хил ашёларни зиёлилар бир турли атасалар, деҳқон уни иккинчи турли қилиб атайди. Ҳикояда яна катта аҳамият бериладирган нарса бўлса ҳикояга аралашадирган кишиларнинг исмлари тўғрисидадир. Чунки кишиларнинг исмлари ижтимоий бир ранг олган бўладир. Бунинг учун ҳикояда исмларга ниҳоят даражада аҳамият бериш керакдир.

Масалан, бизнинг ёзадирган ҳикоямиз деҳқонларнинг турмушидан олинган бўлса, у вақтда албатта деҳқонларнинг кўп истеъмол қиладирган исмларини олиш керак бўладир. деҳқонларнинг энг кўп ишлатадирган исмлари ҳамма вақт Болтабой, Тошмат, Пирмат, Эрмат, Эргаш ва шунга ўхшашлар бўладир. Агар савдогарлар аралашадирган бўлса булар учун деҳқонлар кўп истеъмол қиладирган исмларни бериш бўлмайди. Савдогарлар учун Абдуллох, Ҳайдар, Маҳмуд, Акрам каби исмлар ярашади. Энди бу исмларни бўлса деҳқонларга бериб бўлмайди. Агар ҳикоячи ҳикоясига мулла ёки эшонларни аралаштирмоқчи бўлса, буларники юқоридагиларнинг иккисидан ҳам бошқа бўладир. Масалан мулло ва эшонлар учун Умархон Маҳзум, Аббосхон Тўра, Мулла Очилхон, Сайидниёз Хожи каби исмлар тўғри келади.

Энди хотин-қизларнинг ҳам исмларига келсак, буларда катта ўзгариш бор. Масалан, деҳқон хотин-қизлар, кўпинча, Қундуз, Мастура, Гулнур, Яхшигул каби исмларни оладирлар. Савдогар хотин-қизлари бўлса, Роҳатой, Тожихон, Сунбулой ва Мулла-Эшон хотин қизлари Зулайхо (ёши ўрталаша

⁷⁵ Баробарлар-тенглаштирар

бошлаганда буви Зулайхо) Кароматой ва бошқа хил исмлар бўладир; мана, ҳикоя ёзувчилар ўз ёзувларида аралашадирган кишиларнинг ижтимоий томонлариға қараб исм қўйсалар бўладир. Албатта, бундай исмларни бир-бирларига аралашдирмаслик керакдир.

ҲИКОЯ ЁЗИШ ТЕХНИКАСИ

Ҳикояда кўп кишининг аралашқанлиғи учун ҳар замон улар орасида ҳар турли гап-сўзлар бўлиб турадир. Умумий қоидаға мувофиқ ҳикоя ёзувчилар, масалан, икки кишининг бир масала тўғрисида сўзлашини кўрсатмакчи бўлса, ҳар замон уларнинг сўз бошлашларида исмларини ёзиб “фалон киши бундай деди, фалон киши ундай деди” деб ўлтирмайдирлар. Фақат икки ёки бир кўп кишининг сўзни бошлашларида уларнинг исмларини ёзиб ўтадир. Агар уларнинг сўзлари чўзилиб, бири орқасидан бири ва иккинчиси орқасидан учинчиси қайта-қайта сўзлайтурган бўлса бу вақтда исмларининг ўринлариға чизик(-) қўйиб қандай кишининг бўлса ҳам сўзини бошлаб кетаберадир. Мана шу чизик аломатига қараб ҳикояни ўқувчилар сўзловчиларнинг исмларини юқорида бир мартаба кўрганлари учун бу ерда исмлари ёзилмаган бўлса ҳам ўзлари тўғрилаб ўқий берадирлар⁷⁶.

Кўп вақтда ҳикоя ёзувчилар сўзлашувчиларнинг исмларини юқорида кўрсатмасдан ҳам чизик қўйиб уларни сўзлатиб кетадирлар. Бу ҳам бўлса мумкин. Бироқ бу шундай вақтда бўладир, ким қачонки сўзлашувчилар ҳикояға қўққусдан аралашиб қолсалар.

Мана ҳикоя ёзиш тариқаси ҳам шунинг билан тамом бўладир. Биз, албатта шу кўрсатилган қоида ва тартиблар бутунлай ишчи ва деҳқон хабарчиларини, умуман янги ёзиш ишиға уруна бошлаган ёшларни уста ёзувчи қилиб юборадир, демаймиз, бироқ уларнинг шу йўлда доимий тинмасдан ишлаганлари тақдирда бизнинг томонимиздан кўрсатилган маслаҳатлар улар учун бир қанча ёрдам берадир, деб умид қиламиз; бизнинг

⁷⁶ Ўқийберадирлар-ўқийверадилар

томонимиздан умумий қоидалар кўрсатилди. Энди ҳар бир уста ҳикоячи бўлмоқни истаган ёшнинг ҳикоя ёзишқа уриниб ҳикоянавис бўлиши учун қуйидаги кўрсатқанимиз асарларни ўқуши⁷⁷ лозимдир: Чўлпоннинг “Қлюпатра” деган ҳикоясини (“Билим ўчоғи” нинг 2-3 сониди), Абдулла Қодирийнинг “Ўлоқда” (бу ҳам “Билим ўчоғи” нинг 2-3 сониди), Чўлпоннинг “Шаҳардан қишлоққа” ҳам “Нонуста” ҳикоялари (“Адабиёт парчалари”да) ва бошқалар...

ҲИКОЯГА САРЛАВҲА ҚЎЙИШ

Ҳар қандай ёзилган нарса бўлмасин, ундан кузатилган мақсад ва мафкура бордир. Албатта ундай фикрни шу нарсани ўқиб чиққан ҳар киши тушуна олади. “Ўқиб тушуниладирган бўлса ёзилган нарсага сарлавҳа қўйиш нима учун керак” дейдирган кишилар ҳам бўлурлар. Бироқ масала ундай эмас, балки сарлавҳани қандай қилиб қўйиш устидадир. Бунинг учун энг қулай йўл, хусусан, ҳикояга сарлавҳа қўйишда, сарлавҳани кўрган киши шу ҳикояни ўқушга қизиқадирган даражага келсин.

Масалан, бир мавзунинг олиб ҳикоя ёзилганда унга сарлавҳа қўйганда, энг аввал, шуни ўйлаш керак. Ёзилган ҳикояни ўқувчи кишининг истагига мувофиқ ва уни дарров ўзига тортадирғон қилиб ўша ҳикоя ичида бўлган энг яхши воқеани ёки ўша ҳикоя ичидаги қаҳрамоннинг номини ёнига бир сифат қўшиб сарлавҳа қилиш керак...

⁷⁷ Ўқуши-ўқиши

Бош сўз

Ёзувчидан

БИРИНЧИ БЎЛИМ - 11

Адабиёт

Адабиёт неча хил бўладир

Ёзувчилар неча хил бўладир

Ўрганиш йўлида

Ёзувчининг хусусиятлари

Сўзга бой бўлиш керак

Ўзбекча ва ёт сўзлар

Байналмилал сўзлар тўғрисида

Янги ва эски сўзлар

Ёзувчининг мақсад ва интилиши

ИККИНЧИ БЎЛИМ - 23

Хабар ва мақолани қандай ёзиш керак

Хабар ва мақола қандай бўладир

Қандай сарлавҳа қўйиш керак

Кенгайган хабар

Йиғилиш ва курултойларни қандай ёзиш керак

Мақола ёзиш учун нима керак

Филитун (фелетон) ёзиш

Мақола ёзиш тартиби

“Газеталаримиз тўғрисида”

Кенгайган хабарни ёзиш тартиби

Деворий газета

Деворий газета учун ҳажвий мақолаларни қандай ёзиш керак

Газета ва журнал мақолалари

УЧИНЧИ БЎЛИМ - 43

Ёзиш йўллари

Сочма тартиби билан шеър ёзиш

Адабиёт оқимлари

Шеърни қандай ёзадирлар

Бармоқ вазни

Фузуризм қоидалари

Шеърга мавзу топиш

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ - 53

Ҳикоя ёзиш йўллари

Ҳикояни қандай ёзиш керак

Ҳикоя ёзишда муҳим нуқталар

Қандай ҳикоя ёзишни барқарор қилиш керак

Ҳикоянинг қисқа бўлиши керак

Сўз ўхшатишлари

Қишлоқнинг исмлари қандай бўладир

Ҳикоя ёзиш техникаси

Ҳикояга сарлавҳа қўйиш

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

FOR AUTHOR USE ONLY

**More
Books!**



yes
I want morebooks!

Buy your books fast and straightforward online - at one of world's fastest growing online book stores! Environmentally sound due to Print-on-Demand technologies.

Buy your books online at
www.morebooks.shop

Kaufen Sie Ihre Bücher schnell und unkompliziert online – auf einer der am schnellsten wachsenden Buchhandelsplattformen weltweit! Dank Print-On-Demand umwelt- und ressourcenschonend produziert.

Bücher schneller online kaufen
www.morebooks.shop

KS OmniScriptum Publishing
Brīvības gatve 197
LV-1039 Rīga, Latvia
Telefax: +371 686 204 55

info@omniscryptum.com
www.omniscryptum.com

OMNIScriptum



FOR AUTHOR USE ONLY